## ДУНЁДА БОЛАМ ДЕБ ЯШАЙДИ ЎЗБЕК

***Бир ниҳолни мева берадиган, соя соладиган дарахт даражасига етказиш учун қанчадан-қанча машаққат чекиш лозимлигини ҳамма яхши билади. Бироқ бола тарбияси бундан-да масъулиятли эканлигини ҳамма ҳам бирдай билавермайди.***

4 бет

## ОҒУГА ҚУЛ КИМСАЛАР

***... бундай нусхалар иродаси бўш, ўз келажаги ҳақида муайян фикри бўлмаган кишиларни ўз домига тортиб, гиёҳвандлик дардига мубтало қиладилар. Гиёҳванд, оғуга қул кимсадан эса ҳеч қачон эзгу амалларни кутиб бўлмайди.***

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan **www.huquq-gazeta.uz** 2010-yil 25-noyabr, №47 (724)

Парламентда

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида иқтисодий, социал, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Уч кунлик мажлис давомида тўққизта қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.*



# Қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
«Huquq»

Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига оид айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 222-II Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонунларни қабул қилдилар ва маъқуллаш учун Сенатга юбордилар.

"Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига оид айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фалият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 222-II Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳалари ҳам маъқулланиб, Сенатга юборилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсинувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, шунингдек, Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсинувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган таклифларни маъқуллади.

Қонун лойиҳалари муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари фаол иштирок этдилар.

# Халқаро конференция

**Азизбек ЮЛЧИЕВ,**
Бош прокуратура бўлим прокурори

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.

Президентимиз шу йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар қаторида жиноят процессидаги ярашув институти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, мазкур институтнинг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жавобгарликдан озод этилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Мазкур институтнинг татбиқ этилиши ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Ушбу институт халқимизга хос бўлган кечиримлилик, бағрикенглик каби фазилатларни ўзида акс эттириши билан биргаликда, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, ярашув институтининг амалиётда қўлланиши натижасида жабрланувчиларга етказилган зарарнинг ихтиёрий қопланишига, жиноят содир этган шахсларнинг жиноий жавобгарликдан озод этилишига, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо чораларининг камайишига эришилмоқда. Ушбу институт жорий этилганидан бошлаб, унинг қўлланилиш доираси кенгайиб бораётганлиги, яъни ҳозирги кунга келиб, томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилиши мумкин бўлган жиноятлар сони Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66[1]-моддасида 53 тани ташкил этаётганлиги ҳам ярашув институтининг истиқболли эканлигини кўрсатмоқда.

Шу йил 22-23 ноябрь кунлари "Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Европа уйи ва Венеция комиссияси ҳамкорлигида "Жиноят ҳуқуқида ярашув институтининг қўлланилиши: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда ҳуқуқшунос олимлар, талабалар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ходимлари, судьялар билан бир қаторда Европа давлатларининг эксперт-мутахассислари ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикаларидан келган вакиллар ҳам қатнашдилар. Конференцияда мамлакатимизда мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида эришилган муваффақиятлар муҳокама қилиниши билан бир қаторда, хориж амалиёти ва тажрибаси ҳам ўрганилиб, ярашув институтининг истиқболларига баҳо берилди.



Обуна — 2011

## Ҳурматли юртдошлар!

*Ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш олдимизда турган устувор вазифалардан биридир. Бу жараён ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган* **"HUQUQ"** *газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкламоқда.*

*Прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақолалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, таҳририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.*

*2011 йилда ҳам* **"HUQUQ"** *газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.*

**ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!**

**НАШР ИНДЕКСИ — 231**

# Ўзаро ҳамкорлик

**Матлуба АМИНЖОНОВА,**
ОЎК катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан "Суд ҳужжатларини ижро этиш ва қамоққа олинганларни сақлаш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш масалалари" мавзусида ўтказилаётган малака ошириш машғулотлари дастурига кўра, ўтган ҳафта Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларининг бўлим прокурорлари ҳамда ихтисослаштирилган прокуратураларнинг прокурор ёрдамчилари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси депутатлари иштирокида "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг вазифалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қўмита депутатлари С.Жабборов, М.Усмонов, М.Сафаева ва бошқа депутатлар иштирок этишди.

Давра суҳбатида тингловчиларга қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси С.Жабборов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкил этилиши, ушбу палатада фаолият юритаётган депутатлар, уларнинг асосий вазифалари, қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари ҳақида бир қатор маълумотлар берди.

Суҳбат жараёнида прокуратура органлари томонидан қонун ижодкорлиги ташаббуси асосида олиб борилаётган ишлар, яъни Бош прокурорнинг қонун ижодкорлиги ташаббуси асосида тақдим этилган қонунлар, қонунчиликка киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар, шунингдек, ҳозирги кунда қабул қилиниши назарда тутилаётган янги қонун лойиҳалари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Қўмита аъзоси М.Усмонов "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг роли" мавзусидаги маърузасида прокуратура органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва уларни такомиллаштириш билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини билдирди. Маърузада, шунингдек, Президент Ислом Каримовнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма йиғилишидаги маърузасида прокуратура органлари учун белгиланган вазифалар алоҳида эътиборга олинди.

Учрашувда тингловчилар ўз амалиёти жараёнида учраган қонунчиликдаги бўшлиқлар, қонунни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва шу бўшлиқни тўлдириш ҳамда муаммоларни ҳал этишга доир таклифлар юзасидан музокара олиб боришди.

Суҳбат якунида тингловчилар томонидан қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ амалиётдаги муаммолар ечими юзасидан билдирилган таклифлар Республикамизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришда инобатга олиниши, ушбу масалалар депутатлар томонидан яна бир бор таҳлил этилиши қайд этиб ўтилди.

# Юзи шувут бўлди

*Инсоннинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, унга мансаб бериб кўр, дейди донишмандлар. Чунки мансабни, амални ҳамма ҳам кўтара олмайди. Мансаб-у лавозимнинг ўзига хос залворли юки иймони суст, виждони мудраган кишининг кўзини шамғалат қилиб қўяди. Ички бир овоз "давринг келди, сур бегим" дея шайтоний макрини кўрсата бошлайди. Оқибатда эса ўша кимса жаҳолат ботқоғига ботиб бораверади.*

Азиз ЭСИРГАПОВ,
Мирзаобод туман прокурори

Пенсионерларга нафақаларини ўз вақтида етказиб бериш бевосита шу иш билан шуғулланувчи почта алоқа тармоғи ходимларининг хизмат вазифаларидан бири саналади. Хўш, масъул шахслар бу вазифани ўз вақтида ва кўнгилдагидек бажараяптиларми?

Афсуски, ҳар доим ҳам кўнгилдагидек эмас экан. Боз устига масъул лавозимдаги мансабдорларнинг ўзлари жиноятга бош-қош бўлаётганликларини қандай баҳолаш мумкин? Мирзаобод туман почта алоқа тармоғи бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган Пармонқул Индияминов бу лавозимга тайинланганида янада каттароқ лавозимларни орзу қилган бўлса ажабмас. Аммо балойи нафс деганларидек, қандай қилиб шайтон измига юрганини унинг ўзи ҳам билмай қолди.

Қўл остидаги ходимлар, яъни етакчи ҳисобчи Мардонқул Бойтўраев, оператор-хазиначи Нилуфар Аманова билан олдиндан тил бириктирган Пармонқул Индияминов, пенсия учун олиб келинган пулларни сохта ҳужжатлар орқали бир қисмини хазинага кирим қилиб, қолганини ўзлаштириб юборган.

Дастлабки "иш" 2009 йилнинг 6 март куни амалга оширилди. Яъни, 4492053-сонли чекка имзо қўйилиб, банкдан пенсия учун олиб келинган 313 миллион 600 минг сўм нақд пулдан 313 миллион сўми хазинага кирим қилинган бўлса, 600 минг сўми П.Индияминовнинг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатилди. Бошлиқнинг бу ҳаракатига на етакчи ҳисобчи ва на оператор-хазиначи монелик қилишди. Ишнинг силлиққина битганидан рағбатланган Индияминовнинг нафси яна ҳакалак ота бошлади. Орадан бир неча ой ўтиб, 2009 йилнинг 10 сентябрь куни 4568346-сонли чекка имзо қўйилиб, ушбу чек асосида оператор-хазиначи Н.Аманова банкдан пенсия учун олиб келган 15 миллион сўм нақд пул хазинага кирим қилинмай, Индияминовнинг эҳтиёжлари йўлида сарф этилди.

Хазинага кирим қилинмаган маблағ Н.Амановванинг бўйнида қарз бўлиб осилиб турар, у бир нарса дейишга бошлиқдан ҳижолат, камомад эса ортганидан ортиб борарди.

Воқеалар шу тариқа авж олиб бораётган бир пайтда почта алоқа тармоғига тафтишчи келиб қолди ва барча сирлар ошкор бўлди. Мирзаобод почта алоқа тармоғига уч ойда бир маротаба бош хазинанинг нақд пул қолдиғини текшириш учун "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиали назорат тафтиш бўлими раҳбари Тоҳир Қосимов банкдан банк айланмалари тўғрисида маълумот олганида корхона бошлиғининг сирлари очилди.

"Қовун-қовундан ранг олади", деганларидек Мирзаобод туман почта алоқа тармоғига қарашли Меҳнатобод алоқа бўлими бошлиғи Абдусаид Халбаев ишлаган даврида, тахминан 2009 йилнинг январь ойларидан бошлаб туман алоқа бўлими томонидан Т.Аҳмедов ҳудудининг нафақа олувчи фуқароларига келаётган мадад пулларидан ҳар ойда ўртача 1 миллион сўмдан олиб қолиб, ўзининг манфаатларига ишлатиб юборибди.

Хуллас мирзаободлик почта алоқа тармоғи ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли 30 миллион сўмдан ошиқ пенсия пуллари ўз эгаларига етиб бормаган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан П.Индияминов, М.Бойтўраев, Н.Аманова ва А.Халбаевларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "а", "в" бандлари, 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, уларнинг барчаси қилмишларига яраша қонуний жазо олдилар.

Оқибати ўйламай босилган қадам ҳеч қачон яхшиликка етакламайди. Мансабдан ўз эҳтиёжи учун фойдаланган амалдорнинг эса бир кун келиб, юзи шувут бўлиши тайин.

# Қонун устуворлиги – юрт ободлиги

Бахтиёржон ЙЎЛЧИЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2000 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини белгилаб берди.*

Мазкур концепциянинг 5-бобида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Мазкур талаблардан келиб чиқиб, 2010 йил 18 ноябрь куни Андижон шаҳрида вилоят ҳокими А.Усмонов раислигида туман ҳокимлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, бозор идоралари, ДСИ раҳбарлари, тадбиркорлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги ташкилот, корхона раҳбарлари иштирокида бозор шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, бошқарув тизимининг ортиқча бюрократик тўсиқларини бартараф этиш, микромолиявий ташкилотлар ташкил этиш, шахсий томорқалардан унумли фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва нарх-навонинг кескин ўсиб кетишининг олдини олиш чораларини кўришга қаратилган кенг қамровли йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят прокурори Б.Деҳқонов маъруза қилиб, ушбу соҳада йўл қўйилган қонунбузарликлар, айбдор шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги ва бу борада олиб борилаётган прокурорлик назорати аҳволи ҳақида тушунтиришлар берди. Жаҳонда иқтисодий инқироз жараёни давом этаётган бир вақтда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш турмуш фаровонлигини оширишнинг зарур шарти эканлигини кўрсатиб ўтди.

Йиғилишда ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини янада ошириш, ҳар соҳада жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бозор муносабатларини тартибга солишда адолат тамойилларига риоя этиш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлашда қонунларга оғишмай амал қилиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижро назоратга олинди.

# Масъулиятли давр

*Ўзбекистондай жаннатмакон юрт дунёда камдан-кам топилса керак. Серқуёш заминимизда Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар мавжуд. Аммо муҳими бу эмас. Муҳими шундаки, севимли шоиримиз Ойбек "Бир ўлкам" номли шеърида ёзганидек, уни "...сал кўрмаса қуёш соғинар", парвардигор халқимизга ато этган энг улуғ неъматлардан бўлмиш "...тупроғида олтин гуллайди". Табиатнинг ҳар бир фасли ўз вақтида юртимизга ташриф буюриб, бор тароватини намоён этади.*

Қадирбой БЕКМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

Айни пайтда мамлакатимизда олтин куз ҳукм сурмоқда. Куз деҳқонларимиз учун ғоят масъулиятли давр ҳисобланади. Аввало бу фаслда далаларимиздан қиш, баҳор, ёз бўйи қилинган тинимсиз меҳнат самараси бўлмиш ҳосил йиғиб-териб олинади. Иккинчидан, келгуси йил ҳосили учун пойдевор қўйилади: ҳосилдан бўшаган далалар яхшилаб шудгор қилинади. Ота-боболаримиз ҳам бежиз "Деҳқон бўлсанг шудгор қил", "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда" дейишмаган.

Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, бунинг устига кўплаб давлатларда пахта ҳосили яхши бўлмаган бир шароитда пахтакорларимизнинг давлат буюртмасини ортиғи билан бажариб, халқимизнинг турмуш даражасини оширишга улкан ҳисса қўшганлиги барчамизни қувонтирди. Эндиги вазифа келгуси йил ҳосили учун пухта замин ҳозирлаб, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашдир.

Шу мақсадда Юртбошимизнинг "2011 йил ҳосили учун шудгорлашни ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг соҳага доир қарор ва фармойишлари ижросини таъминлаш мақсадида прокуратура, СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти ва ички ишлар вазирлиги ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилди. Тегишли вазирлик ва бошқармалар расман огоҳлантирилди.

Ҳозир республикамизда шудгорлашни уюшқоқлик билан, сифатли ташкил этиш мақсадида 150 та отряд ташкил қилиниб, 116 та гуруҳ тузилган. Шудгорлашга жами 798 та трактор сафарбар этилган. Ишлар икки сменада олиб борилмоқда. Иш ҳақлари вақтида берилаяпти. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 19 ноябрь ҳолатига 84 млн. сўм пул тарқатиб берилди. Шундай бўлсада айрим хўжаликлар раҳбарлари ушбу муҳим тадбирга масъулиятсизлик билан қарамоқдалар.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 14 та тақдимнома киритилди. 269 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилиб, 27 нафар шахс маъмурий ва 15 нафари интизомий, 2 нафар эса шахс моддий жавобгарликка тортилди. 547 минг сўм зарар ихтиёрий равишда ундирилди.

Мисол қилиб айтадиган бўлсак, шу йил 9 ноябрь куни Беруний тумани "Усмонов Ойбек" фермер хўжалигининг 0,2 гектар ер майдонини Беруний МТП ДАЖда механизатор бўлиб ишловчи А.Жуманиязов ўзига бириктилган тракторда сифатсиз шудгор қилганлиги натижасида 9 минг сўмлик, 13 ноябрь куни тумандаги "Жуманиязов-12" фермер хўжалигининг 0,8 гектар майдонини ушбу фермер хўжалиги механизатори С.Усенов саёз шудгорлаб 41790 сўмлик, Чимбай тумани "Жузбаси" фермер хўжалигининг 0,9 гектар майдони ғўзапоялар ва ёввойи ўтлардан тозаланмасдан сифатсиз шудгорланганлиги натижасида 54300 сўмлик зарар етказилган.

Юқоридаги учта ҳолат бўйича айбдорларга нисбатан МЖтКнинг 65-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, етказилган зарар ихтиёрий ундирилди.

Хўжайли тумани "Амударё" МТП ДАЖда ўтказилган мониторингда эса мавжуд 6 та шудгор тракторидан фақат 2 тасигина ишлаб турганига, қолган 4 та трактор эҳтиёт қисмлар етишмаслиги баҳонасида шудгорлашда иштирок этмаётганлигига гувоҳ бўлдик. Вазият тезда аниқланиб, прокуратуранинг аралашуви билан 21 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

Шудгорлаш ишлари авжига чиқиб, баъзи туман ва хўжаликларда ишлар ниҳоясига етай деб турган бир пайтда, айрим фермер хўжаликларида шудгорлаш белгиланган график асосида олиб борилмаётганлиги ҳам ачинарли ҳолдир. Элликқалъа туманидаги "Алимбой" фермер хўжалиги 20 гектар, "Чайка азаматлари" фермер хўжалиги 10 гектар, Қўнғирот туманидаги "ТТА Ешмурат уста" фермер хўжалиги 5 гектар, Чимбай туманидаги "С.Арзиев" фермер хўжалиги 25 гектар, Хўжайли туманидаги "Усмон ота" фермер хўжалиги 28 гектар майдонни шудгорлаши керак бўлгани ҳолда шу кунгача бир гектар майдон ҳам шудгор қилинмасдан ишга панжа орасидан қараб келинган. Мазкур камчиликлар ҳам прокуратура аралашуви билан тезда бартараф этилиб, фермер хўжаликлари ер майдонларининг шудгор қилиниши таъминланди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, еримиз саховатли, деҳқонларимиз ҳимматли. Улардан талаб қилинадиган фақатгина соҳага оид қонун-қоидаларга оғишмай риоя қилиш ҳамда ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этишдир. Деҳқонларимиз учун қулай шарт-шароит яратиб берилса, ўйлаймизки, келгуси йили ҳам эришилган ютуқларимиз бундан-да салмоқлироқ бўлади.

# Ўзбекистон Конституцияси – ислоҳотлар пойдевори



8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

**Нуриддин НАРМАТОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори

Маълумки, жорий йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига ўн саккиз йил тўлади. У мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт қуришнинг тамал тоши, мустақил давлат тимсоли, Республикамизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашининг мустаҳкам замини, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг негизи, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг таянчи ҳамда олий юридик манбаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати, қонунчиликни такомиллаштириш стратегияси, беназир ҳуқуқий қадрият ҳамда ҳуқуқий маданият кўзгуси сифатида янграмоқда ва амал қилмоқда.

Асосий Қонунимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар ўтган қисқа тарихий давр мобайнида мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишда ҳамда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг таянч ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилиб келмоқда. Мазкур ижобий натижалар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Ўзбекистонда амалга оширилаётган муҳим ижобий ўзгаришлар, яъни давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий қурилиш борасида босқичма-босқич ва изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар айнан Конституциямизнинг асосий принциплари ва қоидалари негизида қабул қилинган қонун ва дастурлар бўйича амалга оширилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мамлакатимизда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш борасида қуйидаги конституциявий ислоҳотлар амалга оширилганлиги эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламентини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги масалалар юзасидан 2002 йил 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорларига мувофиқ, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар 2003 йилнинг 24 апрелида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилди.

Иккинчидан, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)"ги 2007 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, мамлакат Президенти вазифаларини аниқ-равшан белгилаш ҳамда ҳуқуқий меъёрлар доирасида чеклаш, шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадини назарда тутади. Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун билан Асосий Қонунимизнинг 89-моддасига Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи эканлиги ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлашни белгиланди. Бундан ташқари, мазкур қонун билан ҳамоҳанг тарзда қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ижро этувчи ҳокимият томонидан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазифаларини бажаришда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Учинчидан, 2009 йил 1 июлдан кучга кирган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, ушбу қонун билан белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси биринчи қисмининг янги таҳририга биноан Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага оширилди. Бу эса парламентнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларга мувофиқ равишда самарали қонунчилик базасини шакллантириш борасидаги фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини янада кучайтириш ҳамда оммавий жамоат бирлашмаси - Ўзбекистон Экологик ҳаракатига Олий Мажлис Қонунчилик палатасида унинг вакиллигини таъминлаш орқали Ўзбекистоннинг ҳозирги ва келажак авлодларининг қулай атроф-муҳит, соғлиғини сақлаш, атроф-муҳитнинг табиийлигини муҳофаза қилиш, табиат захираларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва уларга сўзсиз риоя қилиш учун кенг имкониятлар яратишда долзарб ҳисобланади.

Тўртинчидан, мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларни янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида Конституциянинг 78, 93, 96, 98-моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадида муҳим дастурий аҳамиятга эга бўлган таклиф-мулоҳазалар илгари сурилди. Жумладан, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар билан боғлиқ устувор ғоялар ва уларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беришда долзарб аҳамият касб этади.

Бинобарин, юқорида таъкидлаб ўтилган конституциявий ислоҳотлар Асосий Қонунимизда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари уйғунлашган яхлит, принципиал концепцияни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

2. Асосий Қонунимизда инсон ва фуқаронинг демократик ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари халқаро ҳуқуқ тамойилларига тўла мос ҳолда эътироф этилган. Бошқача айтганда, Конституциямиз инсон шахсини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш йўлини тутган. Шу боисдан ҳам Конституциямиз "давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" (2-модда), "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" (13-модда), "давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди" (43-модда), "ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти кафолатланади" (44-модда) деган инсонни, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар мавжуд. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактлар ҳамда бошқа умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини мужассамлаштирган ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга тўла мос келади.

3. Қонунчилик тизимининг пойдевори ҳисобланган Конституциямиз ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, фуқаролик жамиятини қарор топтириш, унинг институтларини шакллантиришда муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда. Буни эса айни пайтда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаётганлиги, фуқаролар йиғинлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этаётганлиги ҳамда уларнинг бугунги кунда самарали фаолият кўрсатаётганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, уларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун объектив шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг вазифаларини амалга ошириш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг барча нормалари муайян ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-ҳуқуқий маънони ўзида мужассам этади. Шу билан бир қаторда, унда мамлакатимиз фуқароларида "комил инсон" ғоясига мос сифатларни қарор топтириш, янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин масъулиятли фуқарони шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали баркамол ва фаол инсонларни вояга етказиш каби маърифий ишларнинг ҳуқуқий асослари ўз аксини топган десак, муболаға бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади (4-модда), ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради (64-модда) каби конституциявий меъёрларни таъкидлаш ўринлидир.

5. Мамлакатимиз иқтисодий тизимининг ҳуқуқий асослари Конституциямизда мустаҳкамланган бўлиб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида: "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин", деб белгиланган. Ушбу конституциявий норма муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий тамойилларини белгилайди, иккинчидан, иқтисодий сиёсатимизнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишларини Конституция даражасида эътироф этади, учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

6. Конституция қонунчиликнинг барча соҳалари, шу билан бирга, унинг истиқболдаги тараққиёти учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Зеро, у асосида мустақиллик йилларида 15 та кодекс, 650 дан ортиқ, шу жумладан, амалдаги 560 дан зиёд қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг беш мингдан ортиқ ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг саккиз мингдан ортиқ қарорлари, 2000 дан зиёд идоравий-меъёрий ҳужжатлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги бунга яққол мисолдир. Зеро, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда Асосий Қонунимизнинг принциплари ва қоидалари аниқлаштирилади ҳамда ҳаётга жорий қилинади. Шу ўринда алоҳида эътибор қаратиш лозимки, юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси - барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади". Демак, конституция олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

# Дунёда болам деб яшайди ўзбек

**Мусо ШАРИПОВ,**
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
**Норбўта ҒОЗИЕВ,** «Ниқиқ»



Инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз борар экан, энг аввало, бола ҳуқуқлари кўз олдимизда гавдаланади. Зеро, инсон шахсияти айнан болаликда шаклланади ва тобланади. Бола ҳуқуқлари таъминланган жамиятдагина келажакнинг чинакам ворислари камол топади. Орзу-ниятлар билан яшаётган ҳар бир инсон ўз келажагини фарзандлари камолида кўради. Чунки халқимиз болажон. Дунёда болам деб яшайди ўзбек, деган пурмаъно гапнинг мағзини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Фарзандларининг камоли ва бахту саодати учун ўзбек халқи ҳар қандай синовларга бардош беради. Ота-она фарзандим униб-ўссин, яхши инсон бўлиб улғайсин, деб жонини жабборга беради. Ўзи емай фарзандига едиради, ўзи киймай кийдиради. Ўғлини уйлантириб, қизини турмушга бериб, уйли-жойли қилиб, бурчини адо этганидан кейин ҳам тиниб-тинчмайди. Невараларининг иқболини кўрмоқ нияти белига куч-қувват беради.

1959 йил 29 ноябрда қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари" Декларациясининг бандларидаги "Инсоният ўзида мавжуд бўлган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини болаларга беришга мажбур" деган сатрлар ўзбекнинг болажонлигига ҳамоҳангдек гўё. Бу ҳужжатга болалар учун энг муҳим бўлган тинчлик-осойишталик, бахт, ғамхўрлик ва меҳр кабилар ҳам таалуқли эди.

Орадан кўп ўтмай болалар ҳуқуқларини илк ва тўлақонли белгилаб берган ҳужжат сифатида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция ишлаб чиқилиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йилда бир овоздан қабул қилинди. Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжат "Бола ҳуқуқлари" Декларацияси қоидаларини тўлдириб, уни янада ривожлантирди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларданоқ "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилган эди.

Мамлакатимизнинг Халқаро болалар жамғармаси - ЮНИСЕФга аъзо бўлиши (1994 йил 20 март) болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этди. Бугунги кунга келиб ЮНИСЕФ Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Аслида ҳам ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги фаолияти болалар ва уларнинг оилалари ҳаётини яхшилашга қаратилган бўлиб, юқори сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш, хусусан, оналар саломатлигини яхшилашга кўмаклашиш, болалар ўлимини қисқартириш, юқори сифатли бепул бошланғич ва ўрта таълим олиш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ифода этиш каби ҳуқуқларни амалга оширишда катта ёрдам бериб келаяпти. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, бу мураккаб дунёда тенглар ичра тенг яшай оладиган авлодни тарбиялаш бош вазифага айланди. Юртбошимиз бошчилигида шу мақсадда "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури" ва "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури" ишлаб чиқилди. Бироқ шу қонун ва дастурлар мутасаддилар томонидан ҳаётга кўнгилдагидек жорий этилаяптими? Қашқадарё вилояти прокуратураси томонидан вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олаётган вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришга оид қонунлар ижросини таъминлаш, хусусан, уларнинг қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олишда Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ижросининг аҳволи ўрганилди.

Аниқланишича, вилоят ХТБга қарашли бир қатор умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олаётган ўқувчиларнинг айримлари 2010 йилнинг 7 ойи давомида ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳамда таълим муассасалари раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли қаровсиз ва назоратсиз қолишган.

Жумладан, Қамаши тумани ХТБга қарашли 1, 9, 18, 28, 48, 53, 63, 65, 68-сонли мактабларнинг 12 нафар 6- ва 9-синф ўқувчилари Тошкент шаҳрига бориб дайдиб юрганликлари учун Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси (ИИББ) "Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази"га келтирилган.

Биргина жорий йилнинг 7 ойи мобайнида вилоят ҳудудида доимий яшовчи ва вилоятдаги умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олувчи 280 нафар ўқувчи ота-оналарининг ва жойлардаги умумтаълим мактаблари мутасаддиларининг ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашаётганликлари туфайли қаровсиз ва назоратсиз қолиб, яшаш ва ўқиш жойларини ташлаб кетишган. Улар Тошкент шаҳар ИИББнинг "Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази" ходимлари томонидан ушланиб, вилоятимизга қайтариб юборилган.

Юқорида зикр этилган ҳолатлар умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олаётган вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш борасида жойларда етарли ишлар олиб борилмаётганлиги ҳамда айрим умумтаълим мактаблари, маҳаллалар ва жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 30-моддаси талабига кўра вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки вакиллари ҳамда умумтаълим мактабларидаги педагог ходимлар боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шартлиги ҳамда уларнинг тарбияси ва умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олишлари учун бевосита жавобгар эканликлари белгиланган. Шунингдек, 2010 йил 28 августда қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунда ҳам таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимига киритилган.

Текшириш натижалари бўйича вилоят ҳудудида доимий яшаб, ўқиш ва яшаш жойларини норасмий равишда ташлаб кетган вояга етмаганларни тарбиялаш ва таълим-тарбия бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаган ота-оналар ва ўқитувчиларнинг 48 нафари Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 47-моддасига асосан маъмурий ва 15 нафари интизомий жавобгарликка тортилдилар. Шунингдек, ушбу соҳада йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф этишни сўраб мутасадди ва масъул раҳбарларига 17 та тақдимнома киритилган.

Бир ниҳолни мева берадиган, соя соладиган дарахт даражасига етказиш учун қанча-дан-қанча машаққат чекиш лозимлигини ҳамма яхши билади. Бироқ бола тарбияси бундан-да масъулиятли эканлигини ҳамма ҳам бирдай билавермайди.

Болани тарбиялаш оиланинг бахт-саодатига, жамиятнинг бахтли бўлишига хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, болаларга кўп эътибор беришни, айниқса, уларни ўсмирлик даврида назоратсиз қолдирмасликни талаб этади. Чунки ўсмирлик инсон умрининг мураккаб, шу билан бирга масъулиятли даври ҳисобланади. Бу даврда уларнинг ғайрати танасига сиғмайди, ҳар жабҳада ўзини кўрсатишга, тенгдошларидан устун бўлишга интилади.

Донишмандлар ўсмирлик даврини бекорга бўй чўзаётган ниҳолга қиёслашмайди. Ниҳолнинг қандай униб-ўсиши боғбонга боғлиқ бўлганидек, ёшлар камоли ҳам катталарга, яъни оила, маҳалла-кўй, қолаверса, мактаб ва бошқа ўқув юртларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишининг сифатига боғлиқ.

Ўта қизиқувчанлик, қизиққонлик баъзан ўсмирларнинг хато қилиб қўйишларига ҳам сабабчи бўлади. Шу боис уларнинг қадам олишларини назорат қилиш, вақти-вақти билан тергаб туриш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу, аввало, ота-она, таълим муассасалари, шунингдек, қўни-қўшни ва маҳалла-кўй зиммасидаги вазифадир.

Бола тарбияси билан жамиятнинг ҳамма институтлари, ҳар бир фуқаро ҳамиша ва ҳар доим шуғулланиши лозим. Болаларига қараб миллатнинг бугунги даражаси ва келажагини билса бўлади. Болалари соғлом юрт ҳамиша навқирон бўлади. Борди-ю, улар соғлом бўлиш билан бирга тўғри тарбия олсалар, меҳнатга, касбга, илм-маданиятга, одоб-ахлоққа, ҳалолликка ўргансалар, ўтмиш аждодлари қолдирган меросдан баҳраманд бўлсалар, бу юрт, бу миллат ҳеч қачон таназзулга юз тутмайди. Бугунги шиддатли замонда миллат ва давлат тақдирини моддий бойликлар эмас, балки маънавият ва маърифат ҳал этади. Шу боис бойлиги, кучли қурол-аслаҳалари бор давлат эмас, фарзандлари баркамол, ёшлари билимдон ва ватанпарвар мамлакат қудратли, миллат эса кучлидир. Буни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

# Соғлом оила – келажак пойдевори

**Зумрадхон ҚОРАБОЕВА,**
Уйчи туман ФҲДЁ бўлими мудири

Фарида опа не-не орзу-ниятлар билан яккаю ягона қизи Нилуфарни (исмлар ўзгартирилган) турмушга узатди. Илк бор тўй қилганлиги боис шошиб қолди. Куёв томонни атрофлича суриштирмади ҳам. Бироқ олти ой деганда куёвининг руҳий хаста эканлиги маълум бўлиб қолди. Қизи ҳомиладор. Шундай бўлишига қарамай, куёви қизини ҳайдаб солиб, яна бир бошқа қизга уйланиб олди. Фарида опани бир савол қийнарди: "Набирам соғлом туғилармикин?".

Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол ўсиши ота-оналар бахти, оила қувончи эканлиги билан бирга, юртимизнинг бугуни ва келажагини белгиловчи энг муҳим омил саналади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда соғлом бола туғилиши, жисмонан ва маънан баркамол фарзандларни вояга етказиш, туғиш ёшидаги аёллар ҳамда гўдаклар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, кенг жамоатчилик орасида ёш келин-куёвларга соғлом турмуш тарзига амал қилиш, соғлом оилани вужудга келтиришнинг аҳамияти ҳақида тарғибот ишларини олиб боряпмиз, тушунча беряпмиз.

Барчамизга маълумки, оилада соғлом фарзанд туғилиши учун, аввало, ота-она соғлом бўлиши керак. Бўлимимизга мурожаат этаётган айрим бўлажак келин-куёвлар никоҳдан аввал ўтиладиган тиббий кўрикка юзаки ёндашадилар. Ўз саломатликларини тўлиқ текширтиришдан кўра тезроқ белгиланган ҳужжатларни топширишга ошиқадилар. Минг афсуски, ана шундай ёшлар қураётган оила узоққа бормайди. Сўнгги пушаймон эса ўзингга душман.

Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида бўлимимизда "Оила дорилфунуни"ни ташкил этганмиз. Унга бўлғуси келин-куёв, қудалар таклиф этилиб, уларга ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган соғлом оилани шакллантиришга доир фармон ва қарорлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳияти тушунтирилади, тегишли маслаҳатлар берилади. Никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказиш тизими, ёшларни соғлом оила барпо этишга тайёрлаш бўйича доимий ишловчи ўқув курсларимиздаги машғулотларда тингловчилар ўзларига керакли маълумотларни олишади, тиббий, ҳуқуқий билимларини ошириб боришади.

Тарғибот ишлари фақат никоҳ пайтида эмас, балки жамоатчилик, ўқувчи-ёшлар ўртасида тизимли олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Шу боис туман бўлими билан ҳамкорликда маҳаллалар, касб-ҳунар коллежларида "Соғлом она - соғлом бола - соғлом миллат" шиори остида маънавий-маърифий, ҳуқуқий, тиббий мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, машғулотлар ташкил этдик. Асосий эътиборни тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эрта турмуш ва қариндошлар ўртасида тузиладиган никоҳларнинг олдини олиш, ёшларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандликдан асраш каби мавзуларга қаратдик.

Қувонарлиси шундаки, бугун аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар орасида тиббий маданият даражаси тобора юксалиб бормоқда. Энг муҳими ҳам шу аслида. Негаки, соғлом оилада фаровонлик, хотиржамлик ва бахт ҳамиша бардавомдир.

# Шукроналар айтмоғимиз керак

Тенгелбай БЕКМУРАТОВ,
Амударё туман прокурори

Жаннатмакон она диёримиз давлат мустақиллигига эришгач, дастлабки қадамни инсонларга ғамхўрлик, демократия ва адолатни амалда тиклашдан бошлади. Ҳақиқатан ҳам ҳуқуқий, демократик давлатимизнинг асосий тамойилларидан бири — қонун устуворлигини таъминлаш ва халқ манфаатини ҳимоя қилишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, илоҳий ва муқаддас китобимиз Қуръони Каримда, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳадису-шарифларида ҳам буларга алоҳида эътибор қаратилган. Улар ҳар бир инсонни раҳмдил ва кечиримли бўлишга чорлаб туради. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг тузуклари ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Тарихимиз зарварақларида бундай мисоллар жуда кўплаб топилади. Афсуслар бўлсинки, чор Россиясининг истилосидан сўнг, айниқса, 1917 йилдаги давлат тўнтарилишидан кейин юқоридагидай инсоний хислатлар йўқ қилиб ташланди. Миллатнинг минглаб асл, доно, зукко, тадбиркор ва жасур вакиллари жисмонан маҳв қилинган бўлса, кўпчилиги маънавий жиҳатдан майиб-мажруҳ этилди.

Давлатимиз мустақиллигига 19 йил бўлиб, Конституциямиз қабул қилинганига эса 18 йил тўлаётган экан, инсонга, унинг шаъни-ю қадр-қимматига бугун биринчи даражали иш сифатида қаралмоқда. Шу боис ҳам ҳар йили Мустақиллик байрами ёки Конституция куни арафасида Олий Мажлис Сенати томонидан амнистия эълон қилиниб, кўплаб билиб-билмай жиноят қилган шахслар авф этилмоқда.

Ҳа, амнистия юракка малҳам, ҳаётга, яшашга чорловчи ҳужжатдир. «Амнистия» сўзи грекча сўз бўлиб, бизнинг тилга ўгирилганда "кечирим", "кечирдим", деган маъноларни англатади.

Тан олишимиз керак, 19 йилдирки Президентимиз ва ҳукуматимизнинг изчил саъй-ҳаракатлари билан бир неча марта амнистия ҳақида Фармон ва Қарорлар чиқди ва ҳаётга татбиқ этилди.

Ҳаёт йўллари мураккаб, чигал. Одам боласи борки, гоҳида онгли ёки онгсиз равишда жиноят қилиб қўйиши мумкин. Жиноятга жазонинг муқаррарлиги қонунларимизда белгилаб қўйилган. Инсон билиб-билмай қилган айбига иқрор бўлиб, тавба-тазарру этса нур устига нур. Шундан бўлса керак, халқимиз "адашган йўлини топса айби йўқ" деб бекорга айтмайди.

Давлатимиз раҳбарининг Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенатига киритган таклифига биноан, Сенат томонидан Амнистия тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур қарорнинг ҳар бир бандида инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ифода этилган. Жумладан, қарорда жазони ўтаётган хотин-қизлар, 18 ёшгача бўлган ўсмирлар, 60 ёшдан ошган кексалар, шунинг билан бирга, чет эл фуқаролари жазодан озод этилиши кўрсатилган.

Олий Мажлис Сенатининг мазкур қароридан кейин туманимизда ҳам жазони ўташ жойларидан қайтиб келган маҳкумларнинг борлиги аниқланди. Улар бугун соғ-саломат ўз оилалари, фарзандлари бағридалар. Биз ҳозир туман ички ишлар бўлими, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари билан, оқсоқоллар иштирокида бундай инсонлар билан яккама-якка суҳбатлар ўтказиб, уларга жамиятимиз учун фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун етарли қулайликлар яратиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик бизга бахт берди. Халқимиз ҳур, фаровон яшамоқда. Тилагимиз, унга сира кўз тегмасин.

# Имконият бир бор берилади

Хурсанали РАПИҚОВ,
Тўрақўрғон туман прокуратураси терговчиси

Ҳаёт инсонга бир мартагина берилади, уни бошидан қайта бошлашнинг иложи йўқ. Фақат билиб-билмай йўл қўйилган хато-нуқсонларни чуқур англаб, тўғри хулоса чиқариш, галдаги одимларни атрофлича ҳисоб-китоб, фикр-мулоҳаза билан ташлашга имконият яратиб бериш мумкин, холос. Ўзини билган одам ана шу имкониятдан оқилона фойдаланиб, такрорий хатолардан йироқ юришга, огоҳ ва ҳушёр бўлишга интилади.

Кечиримлилик, бағрикенглик ўзбекнинг қонида бор. Адашиб жиноят кўчасига кириб қолган, бундан минг пушаймон бўлиб, астойдил афсус-надомат чеккан инсонни имкон қадар кечиради, афв этади. Уни қайта тарбиялашга, тўғри йўлга солишга ҳаракат қилади. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, инсон омили энг юқори даражага кўтарилди, у ҳақда қайғуриш, қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосий мезонига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг ҳар бир бандида ўзбекона фазилат - бағрикенглик, кечиримли бўлиш яққол сезилиб турибди. Ахир амнистия адашган кимсалар учун ҳаётбахш восита, инсонпарварлик ифодаси, меҳр-мурувват тимсолидир.

Амнистия тўғрисидаги Қарор ижроси ҳақида фикр юритганда, тўғридан-тўғри суд залидан озод этилиб, оиласи бағрига қайтаётганлар учун ҳам мазкур инсонпарвар ҳужжатнинг аҳамияти янада беқиёс эканлигига тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки улар жиноят содир этишган ва сўзсизки, жазо билан юзма-юз келишлари муқаррар эди. Аммо халқимизнинг бағрикенглиги ила бугун эмин-эркин ҳаётдан баҳраманд, умр йўлларига ҳеч қандай қора чизиқ тортилгани йўқ. Демак, улар учун ҳали ҳаммаси олдинда. Эл-юрт учун, оила, фарзандлар учун фойдали, савоб юмушлар билан хатоларни ювмоқ, эзгу мақсадларга ошно бўлиб яшамоққа имкон бор.

# Матбуот анжумани

22 ноябрь куни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан "Суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ОАВда сифатли ёритиш йўллари" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Республикамизнинг кўплаб марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Суд департаментининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Маълумки, 2001 йил 29 августда Президентимиз ташаббуси билан ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Қонун билан ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлаш вазифаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментига юклатилди.

Мазкур қонун талабини бажариш мақсадида бир қанча норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга талаб ва зарурият юзасидан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга 5 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги 458-сонли ва 2007 йил 1 ноябрдаги 722-сонли қарорлари бу борадаги фаолиятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидланганидек, чора-тадбирлар натижасида сўнгги 9 йил ичида Суд департаменти ходимларининг сони салкам 9 баравар кўпайтирилиб, 1270 тага етказилди. Кадрлар захираси тўлиқ шакллантирилди ва суд ижрочиси лавозимига номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартиби жорий этилди. Соҳада амалга оширилган ишлар натижасида суд қарорларини мажбурий ижро этиш ишларининг самарадорлигини ошириш, судлар ва суд ижрочиларининг моддий-техника таъминоти ва молиявий таъминлашда бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Биргина жорий йилнинг 9 ойи давомида 1 млн. 422 минг суд ижро ҳужжатининг ижроси таъминланганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Матбуот анжуманида Суд департаментининг матбуот хизмати томонидан тизим фаолиятини кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш мақсадида марказий телевидение ва радио каналлари билан ҳамкорликда махсус кўрсатув ва эшиттиришлар мунтазам равишда ташкил этилиб келинаётганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

**Ўз мухбиримиз**

# Долзарблигини йўқотмаётган муаммо

Хушнур МАҚСУДОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

***Одам савдоси трансмиллий жиноят сифатида ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаётган муаммодир. Мазкур масалада вилоят прокуратураси жорий йилнинг 10 ойи давомида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қонунчилик талаблари ҳамда Бош прокуратуранинг тегишли топшириқларидан келиб чиқиб, муайян тадбирларни амалга ошириб келмоқда.***

Вилоят ҳудудий идоралараро комиссиясининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий эътибори одам савдоси билан боғлиқ ноқонуний фаолиятга қўл урган жиноий гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйишга, бу жиноятларнинг содир этилишига омил бўлаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилишга, биринчи навбатда аҳолининг меҳнат бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий онгини юксалтиришга оид тадбирларни фаоллаштиришга, одам савдосининг салбий оқибатларини оммага етказиш борасида кенг тарғибот тадбирларини кучайтиришга қаратиб келинмоқда.

Таҳлилларга кўра, шу йилнинг январь-октябрь ойларида одамларни олиш-сотиш, улардан фойдаланиш учун ёллаш билан боғлиқ 27 та жиноят фош этилган. Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддасининг тегишли қисмлари билан жиноят ишлари қўзғатилган. Шундай ноқонуний фаолият билан шуғулланган 36 нафар шахс аниқланиб, улардан 15 нафар эркак ва 11 нафар аёллар жиноий жавобгарликка тортилди. Мазкур жиноий фаолият оқибатида 70 нафар шахс, шу жумладан, 60 нафар эркак ва 10 нафар хотин-қизлар жабр кўрганлар.

Тергов жараёнида жабрдийдаларнинг 61 нафари меҳнатидан, 9 нафари фоҳишалик йўлида фойдаланиш учун ёлланганлиги, улар эксплуатация қилиш учун асосан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Бирлашган Амир Амирликлари давлатларига олиб чиқилганлиги аниқланди.

Масалан, Р.Фармонов Нурота туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, унда 2008-2009 йилларда Нурота туманида яшовчи Нуриддин Ҳасанов унга ҳамда туманда яшовчи 12 нафар шахсга Қозоғистон Республикасидан яхши иш топиб беришини, яхши меҳнат шароитларида ишлашини ваъда қилиб, алдаб Ўзбекистон чегарасидан олиб ўтиб, берган ваъдаларини бажармасдан, қонунга хилоф равишда ушлаб турганлигини баён этиб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.

Ушбу ҳолат юзасидан олиб борилган терговолди текшириш ҳаракатлари давомида Р.Фармоновнинг аризасида келтирилган важлар ўз тасдиғини топган.

Шу боис ушбу ҳолат юзасидан 2010 йил 1 августда Нурота туман ИИБ томонидан Н.Ҳасановга нисбатан ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми "з" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, айб эълон қилиниб қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилиб ва жазо муқаррарлиги таъминланган.

О.Наврўзова Қизилтепа туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилган. У аризасида 2009 йилнинг ноябрь ойида шу туманда яшовчи Х.Раҳматова уни алдаб, ёлғон ваъдалар бериб, Россияга олиб борганлиги, ишлаган иш ҳақларини бермасдан келганлигини кўрсатган.

Терговолди текшириш ҳаракатлари натижасига кўра унинг аризасида кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топган.

Х.Раҳматовага ҳам юқоридаги каби айб эълон қилиниб, қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилиб, жиноят иши 2010 йил 1 октябрда жиноят ишлари бўйича туман судига мазмунан кўриб чиқиш учун юборилган.

Мазкур турдаги жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида аниқланган 44 млн. 850 минг сўмлик зарарнинг 33 млн. сўми ундирилиши таъминланди.

Жорий йилнинг 10 ойида фоҳишахона сақлаш ва қўшмачилик қилиш билан боғлиқ 33 та ҳолат аниқланиб, барчаси юзасидан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида аҳолининг Республика ҳудудидан чиқиб кетиши сабаблари таҳлил қилиниб, бу ҳолатларнинг олдини олиш борасида тегишли профилактик ишлар амалга оширилмоқда.

Прокуратура идоралари ташаббуси билан меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида 52 та меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Уларда 1632 та корхона ва ташкилотларнинг иштироки таъминланди. Ярмаркаларда иштирок этган 7876 нафар фуқаронинг 4217 нафари доимий иш билан таъминланди. 43 нафари жамоат ишларига ва 105 нафари касб бўйича ўқишга юборилди.

Шу даврда бандликка кўмаклашиш марказларига ишга жойлаштириш масаласида 18 876 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, уларнинг 17 425 нафари ишга жойлаштирилган. 86 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган.

Бу борада қонунларга риоя қилиниши аҳволи мунтазам таҳлил қилиниб, прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 20 нафар шахсга нисбатан интизомий, 2 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди. Қонунбузилиши ҳолатларини келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида тегишли органлар раҳбарларига 6 та тақдимнома киритилди. 18 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. Шунингдек, ноқонуний ҳужжатларга нисбатан уларни қонунларга мувофиқлаштириш юзасидан 19 та протест киритилиб, 7 млн. 31 минг сўмлик даъво аризалари судларга киритилди.

# «Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ва назоратсизлигининг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишининг моҳияти

*"...Ёшлар ўртасида жиноятчилик, бу аввало катталар уларни тарбиялашда йўл қўйилган жиддий хатолардир. Бинобарин, шунинг учун ҳам руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларни жамиятга қайтариш ота-оналар ва давлат олдидаги қиёмат қарздир."*

**С.АЛЛАБЕРДИЕВ**
Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходими

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Асосий Қонунимиз нормаларида ғоялар мазмуни, судларни ихтисослаштириш, жиноий жазо тизимини либераллаштириш, ўлим жазосини бекор қилиш, санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш каби йўналишлардаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларини такомиллаштиришнинг амалга оширилиши ривожланиб бормоқда.

Бу борада, айниқса, вояга етмаганлар алоҳида диққат-эътиборни талаб этади. Одатда, вояга етмаган шахс ҳаётий тажрибага эга бўлмаганлиги, онги, эрки ва иродаси тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли ҳам ўта ишонувчан, бошқалар таъсирига берилувчан бўлади.

2010 йил 28-29 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 3-ялпи мажлисида тасдиқланган бир қатор қонунлар ижтимоий-иқтисодий соҳада, шу билан бирга, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шулардан бири Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги ва назоратсизлигининг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунидир. Қонун 6 боб, 36 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади - вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида ёш авлоднинг жамиятда ўз ўрнини топишга йўналтирилган ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётганига алоҳида эътибор қаратди. Ислоҳотларнинг муҳимлик даражасидан келиб чиқиб, 2010 йил "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди. Юртбошимиз, шунингдек, ёшларни жамиятимизнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантиришга ва ушбу йўлда пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этишда махсус давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда Давлат дастурини ишлаб чиқиш фикрини илгари сурди. Шу билан бирга, ушбу дастурни амалга оширилишида ёш авлод манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш лозимлиги ҳақида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.

Аввало, ушбу қонунни қабул қилиш зарурати ёки эҳтиёжлари хусусида тўхталиб ўтсак. Қонун қабул қилингунга қадар вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, улар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид муносабатлар ҳукуматнинг айрим қарорлари, соҳа вазирликлари ҳамда идораларнинг ҳужжатлари ёки айрим қонунларнинг нормалари билан тартибга солинган эди. Бу эса тартибга солувчи қонун ҳужжатларида айрим нормаларни такрорланиши ёки уларда белгиланган қоидаларга қабул қилувчи субъектнинг мақомига қараб ёндошишни ёхуд масъул субъектларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид муносабатларини турлича бўлишига шароит яратар, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ёки ҳуқуқбузарликларга оид муаммоларни ҳал этиши керак бўлган тегишли органларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва самарали ишлашини тўла таъминлаш имконини чеклар эди.

Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги ва профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни хорижий давлатлар аналогик тажрибаси ва амалдаги қонун ҳужжатларидан, қолаверса, миллий анъаналаримиз ва бугунги кун заруратидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Ушбу қонун - ота-оналарни фарзандларининг тарбияси ва келажакдаги тақдири борасидаги масъулиятларини янада ошириш соҳасида муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, АҚШда агар ота-она (улардан бири) 12 ёшга тўлмаган фарзандини уйда ёки кўчада ёлғиз қолдирса, қўшнилари ёки танишлари дарҳол махсус давлат органини бундан хабардор қилади. Ушбу ҳолатда фарзандини ёлғиз қолдирган ота-она (улардан бири)га катта миқдордаги жарима ва тарбиявий курслар белгиланади.

Яна бир мисол. Англияда 14 ёшга тўлмаган болани қаровсиз қолдириш жиноят ҳисобланади. Германияда 14 ёшга тўлмаган болани 15 дақиқага ҳам назоратсиз ёки қаровсиз қолдириш қамоқ жазоси билан тугалланиши мумкин. Францияда, ҳаттоки, ижтимоий хавфли ҳолатда қолган бола ҳақида хабар бермаган фуқароларга ҳам жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги ва профилактикаси тўғрисида"ги Қонун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмай, балки, Республикадаги вояга етмаганлар тўғрисидаги бир қатор қонун-қоидаларни умумлаштириб, уларнинг таркибий тузилишини тўла очиб беради.

Ушбу қонуннинг мақсадларидан яна бири, Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Асосий Қонунимиз, қонуности актлари асосида вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқбузарлиги ва назоратсизлигини профилактикаси учун ҳуқуқий Асосни яратиш ва уни такомиллаштириш ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси томонидан "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги ва назоратсизлигининг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва тарбиясини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилади.

***

*Бу дунёда жамики неъматлар, қадриятлар одамларнинг бугунги куни, эртанги саодати учун қаратилган. Хусусан, инсониятнинг бахту иқболи, истиқболи қонунлар билан ҳам кафолатлаб қўйилган. Бунинг биргина эътирофи сифатида Асосий Қонунимизда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари мукаммал тарзда ифодаланганлигини таъкидлаш лозим. Шахсий ҳуқуқнинг асосийси, бу - яшаш ҳуқуқи бўлиб, Конституциямизда инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги таъкидланади.*

# Саодат китоби

**Абдурашид ЖЎРАЛОВ,**
Миришкор туман прокурори

"Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас", дейилади Конституциямизнинг 25-моддасида. Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи нима? У ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг иши судда қонуний тартибда кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиши учун барча шароитлар таъминлаб берилиши, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилишига йўл қўйилмаслиги каби тамойилларга асосланган.

Айниқса, фуқароларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, обрў-иззатини сақлаш, ўз шаъни ва қадр-қимматига қилинган тажовузларга, шахсий ҳаётига ҳар қандай шаклда аралашувга йўл қўймаслик, турар жойи бойитилган. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари шахснинг хоҳиш-иродасига қарши унинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Мамлакатимиз фуқароларининг республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳам конституциявий тарзда эътироф этилган. Фақат қонун билан белгиланган ҳолатларда бу ҳуқуқларнинг чекланишига йўл қўйилади.




Шунингдек, Конституцияда ҳар бир шахсга ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин, мустақил тарзда ифодалаш имконияти яратилиб, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқлари кафолатланган. Бугун қонунчилик тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳам Конституциямиздаги ана шундай тамойиллар ўз ифодасини топган. Хусусан, прокуратура органлари эндиликда ўз фаолияти билан қонунни муҳофаза этувчи, демакки, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоячиси сифатида намоён бўлмоқда. Асосий Қонунимиз 120-моддасида прокуратура органлари фаолияти тўғрида шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар". Мамлакатимизда демократик тараққиётни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни Конституциямиз мезонларига мувофиқ ҳолда иш юритаётган прокуратура органлари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топган. "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар шундан далолатдир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, прокуратура фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айланиб бормоқда. Эндиликда манфаатларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб ариза-шикоят билан мурожаат этаётган фуқароларнинг прокуратурага бўлган ишончи йил сайин ортмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, "...прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутади"ган орган сифатида қонун устуворлигига эришиш йўлида фаолият олиб бораяпти. Бу борада эса саодат китоби сифатида эътироф қозонган Конституциямизнинг аҳамияти беқиёс.

Маълумки, ҳар қандай давлатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларни тартибга солувчи турли-туман қонунлар қабул қилинади. Давлат қонунларсиз ўз вазифаларини бажара олмайди. Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари давлат ҳаётининг маълум бир томонига бағишланган бўлади. Ана шу қонунлар ва қонуности ҳужжатларини бир мақсад, бир ғоя ва бир тартибга бўйсундириб турадиган қонун, бу - Асосий Қонунимиз, яъни Конституциядир.

Конституциямизни қонунларнинг қонуни дейиш мумкин. Шу боис ҳам ўтган давр мобайнида унинг тегишли моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида юзлаб қонунлар лойиҳаси тайёрланиб, Сенат томонидан тасдиқланди. Бу қонунлар халқимизнинг ҳуқуқий онгини юксалтириб бориш баробарида буюк келажак сари йўлчи юлдуз бўлиб йўлимизни ёритиб туриши шубҳасиз.

Ҳа, давлатимиз ва халқимизнинг келажагини белгилаб берган Конституциямиз ...... ва бундан кейин ҳам яшайди. Негаки, унда "фуқаро-жамият-давлат" муносабатлари оқилона холис ва ҳаққоний ечим топган. Авваллари фақат назарияда илгари сурилган "халқ иродаси" эндиликда амалда ўз ифодасини топди.

"Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар". Бундай халқона кафолат ҳеч бир тузумда йўқ. Демак, Конституциямиз инсонпарварликнинг теран туйғулари билан омухта экан, унга содиқ қолишимиз, белгилаб қўйилган ҳар бир талабга аниқ ва тўлақонли амал қилишимиз зарур.

Конституциямизнинг 118-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади", деб белгилаб қўйилган. Айтайлик, бирор-бир кишининг ҳуқуқи поймол этилди ёки унинг шахси ёхуд мулкига тажовуз бўлди. Ана шундай ҳолда унинг бузилган ҳуқуқини тиклаш, шахсий ва мулкий дахлсизлигини таъминлаш, албатта, биз прокурорларнинг бурчимиздир.

Умуман, Конституция, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида яна кўп фикр-мулоҳаза юритишимиз мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, у фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда ана шу мақсадга қаратилган қонунларнинг амалга киритилишида дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Конституциямиз ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан бораётган халқимизнинг орзу-интилишлари рўёби учун яна асрлар оша хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Зеро, Юртбошимиз эътироф этганларидек, "Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусимиздир".

# Ўзгалар бахтини кўзлаб



Дилфуза АВЛОҚУЛОВА,
ЎзМУ Олий журналистика курси талабаси

***Оламда гўдакликдан покроқ, самимийроқ давр бўлмайди. Боланкдаги хотираларнинг бариси тоза ва беғубор. Бошқа рангга бўяб, безаб бўлмайди. Кимнингдир хафа бўлганидан ранжийди. Нотаниш одамнинг хурсандлиги унга ҳам шодлик бахш этади. Кўклам зеб ёйиб кириб келганида ҳам, дам олиш учун илк бора ёзги таътилга отланаётганида ҳам, биринчи қор зарралари момиқ юзларига урилаётганида ҳам таъсирланади. Севинади, кўзларида ўт чақнайди.***

Бу туйғулар иймондай тиниқ. Уларга кўл силкиган эса ноинсофдир, ҳеч кимга яхшилик қилмайди ҳам. Боланкнинг бу беғубор туйғуларидан узоқлашмаган киши ҳеч кимни алдай олмайди, бировнинг ҳақига хиёнат қилишдан ҳазар қилади. Ўз гуноҳини бўйнига олади, дўстининг айбини болакайлардай тезда унутади.

Ҳаёт ҳам ўзига яраша бир мўъжиза. То кўзинг очиқ экан, шу сирли баландликда туриб атрофингдагиларни кузатиб турасан. Таниш-нотанишларни қадрлаган меҳрваш одамни кўриб қувонсанг, дўстига хиёнат қилаётганларни кўриб нафратинг ошади. Умрингда оғриқ кўрмаган юрагинг қаттиқ санчийди. Ёмонни кўрсанггина яхшиларнинг қадрига етасан. Яхшилик шарофатидан эл-юрт обод бўлиб, мамлакатда осойишталик ҳукм суради, меҳр-оқибатли кишилар кўпаяди. Яхши одамда меҳр билан қатъият, сабр билан маънавият бирга юради. Бировга билмай ноҳақ озор кўрсатса, бир умр меҳрибонлик қилади.

Бир воқеа сира-сира эсимдан чиқмайди. 2002 йилнинг январи. Қишги имтиҳонлар бошланганн сабаб дарсга кечикмаслик учун университетгача таксида бордим. Манзилимга етиб келгач, шошилиб таксидан тушдим. Ўқув биносига кираверишда жойлашган ошхона олдида дугоналарим билан саломлашар эканман, кимдир аста елкамдан туртди. Ўгирилиб қарасам, мени ўқишгача олиб келган ҳайдовчи. Жилмайиб турибди. Қўлида эса менинг сумкам.

- Шошилганда шунақа бўлади, - дея ҳазиллашиб ҳам қўйди ва сумкамни қўлимга тутқазди. Қувониб кетдим. Чунки сумкамда бировнинг омонати бор эди. Хурсанд бўлганимдан ҳайдовчига миннатдорчилик ўрнида пул узатдим. У пулни олмади. Унинг самимийлиги ҳали-ҳали эсимда. Дунёда бундай одамлар беҳад кўп.

Ҳаётда ҳар хил воқеалар содир бўлар экан. Умринг давомида турли тоифадагиларни кўраверар экансан, киши. Кимлар яхши йўлга бошласа, бошқалари тўғри йўлингга тўғаноқ бўлишдан ҳам қайтмайди. Кимларга эса тушуниб ҳам бўлмас экан.

Бир куни ишдан қайтаётган эдим. Таниш бир дугонам қўнғироқ қилиб қолди, овозида титроқ билан ёрдамим кераклигини айтди. Қўлимдан келгани учун кеч бўлишига қарамасдан бориб ишини битириб бердим. Эртасига эса бошқа бир дугонамдан қилган яхшилигим эвазига мендан хурсанд эмас, аксинча хафалигини эшитиб ҳайрон қолдим. Қандай қиз у ўзи? Нега ёрдам сўради? Нега кейин раҳмат ўрнига дашном эшитдим? Буларни аниқ билмайман-у, лекин ўша воқеани ҳанузгача хаёлимдан қувлай олмайман.

Кўнгил ҳам гўё бир гул. Фақат у озиқланадиган манба сув эмас, сўздир. Бир оғиз сўз билан у яйраб, биргина сўз билан тилка-пора бўлиши мумкин. Синган кўнгилни чинни идишлар сингари чегалаб бўлмайди. Юксак маънавият эгаси бўлган инсон дил ойнасини синдирмайди.

Ҳаммада ҳар хил нигоҳ, ҳар хил қалб. Хўш, инсон қалби тўғрисида бизга нималар аён? Умуман, бу тушунча воқеликда ҳақиқатдан мавжудми? Агар мавжуд бўлса, бизни чексиз қувончга тўлдириб, парвоз қилишга ошиқтирувчи ёки мунгли оғриқ ила изтироб солувчи туйғунинг аслияти нимада ва у инсон танасининг қайси бир аъзосида садо беради?

Нима учун кимлардир ўзгаларнинг қайғу ва кечинмаларини ҳис этиб, англаган ҳолда уларга ҳамдард ва хайрихоҳ бўла оладилар? Баъзи кимсалар эса теварак-атрофдаги ушбу ҳолатни кўришни ҳам, билишни ҳам истамайдилар?!

Умуман, бегоналарнинг дарду аламига шерик бўлиб, улар учун қайғуришнинг роҳат-фароғати бор. Айни чоғда ҳар бир инсон миллати, тили, динидан қатъий назар, маънавиятсиз ўз ҳаётини тасаввур эта олмайди. Яъни, қалб, ботиний гўзаллик тушунчасини ижтимоий муносабатларда татбиқ этмасликнинг иложи йўқ.

Кундалик муносабатларда маънавият, қалб, кўнгил каби тушунчаларни ақл, ўқимишлилик, билимдонлик ёки айтайлик, эмоционаллик каби тушунчалар билан айнан бир нарса деб изоҳлайдиганлар кам эмас.

Одамлар қиёфасида маънавиятнинг бир хил кўрсаткичда намоён бўлмаслиги ҳаммага аён. Шу сабабдан ижтимоий муносабатларда одамларга нисбатан юксак маънавиятли ёки маънавияти паст инсон деган иборалар билан баҳо берилади.

Айнан маънавияти юксак инсонларда бағрикенглик, самимийлик, кўнгилчанглик каби фазилатларни кузатиш мумкин. Аксарият, паст савияли кишиларнинг ҳаётий йўналишларида худбинлик ва "ўзим бўлай"-чилик устун бўлади.

Бойлиги қанча кўп бўлмасин, дунёда маънавиятсиз одамдан қашшоқ кимса йўқ. "Ўзим учун" тушунчасини англаш қийин эмас, менинг ҳуқуқларим, менинг мол-мулким ва ҳоказо.

Ҳаётда "ўзгалар учун", "бировлар учун" эҳтиёжи органик жиҳатдан ҳар қандай тўлақонли мавжудот ирсиятига хос омил. Афсуски, бугунги кунда "ўзгалар учун яшаш" эҳтиёжи ижтимоий муносабатларда тобора сусайиб, охир-оқибатда инсониятнинг ягона макони бўлган она сайёрадаги табиий муҳит ифлосланиб кетмоқда: ахлат тўкиб ташланган кўчаларнинг тобора кўпайиши, кўп қаватли биноларнинг кириш йўлакларидаги ифлосгарчилик, анҳорларнинг заҳарланиши сўзимизнинг далилидир. Шундай экан, инсонлар тафаккуридаги "ўзим учун" эҳтиёжи маъносини инсонпарвар гоялар билан янада кенгайтириш керак. Умуман олганда, биз тўхтовсиз равишда онгга, тафаккурга мурожаат қиламиз.

Одамзот нима яхши, нима ёмон эканлигини жуда яхши билади. Лекин кўпинча англаган ҳолда, ёмон бўлган нарсага қўл уради. Чунки, психологларнинг фикрича, одамларни тартиб-интизомга етакловчи қоидалар эмас, балки индивидуал эҳтиёжлар бошқаради. Бу каби эҳтиёжлар важидан инсоният жар ёқасига келиб қолиши мумкин. Буюк мутафаккиримиз Абдулқаюм Мулло Абдулносирийнинг шундай бир ўгитлари бор: "Дунёда инсоннинг уч дўсти бор. Агар инсоннинг бошига бир қаттиқ бало тушса, биринчи дўсти унга ёрдам бермай уйида қолур, иккинчи дўст эса ярим йўлдан фикри ўзгариб қайтадур, учинчи дўст эса ёрдам бериб, зўр балодан қутқарур. Энди билсанг, биринчи дўст дунё молидир, иккинчи дўст бола-чақанг, қариндошларингдирки, сен ўлгач, сени қабрга кўмгач қайтиб кетарлар. Учинчи дўстинг сенинг ила қабрга киради, қабр фитнасидан сени қутқаради, сени худо таоло раҳматина элтади. Ул сенинг эзгу аъмолингдур. Эзгу аъмолинг бўлмаса қабрингга не қилурсан?".

Бугунги реал воқелик тўғрисида тўхталсак, биз учун айнан ҳамдардлик, ҳамжиҳатлик каби муносабатлар мафкурасини фаоллаштириш вақти келди. Инсониятнинг бошқа нажот йўли йўқ. Одамлар тафаккур ва қалб садоларидан чиқаётган ҳақиқатга қулоқ солиши керак. Бугун ҳар бир инсон фақат ўзи учун эмас, балки ўзгалар учун, уларнинг бахти учун яшаш заруратини англаши лозим. Бугун ўзгаларга ёрдам берган ҳолда инсон ўзини ўзи, фарзандларини ва оламни сақлаб қолаётганлигини фаҳмламоғи даркор.

# Ишонч

***Кўзинг — ўзингники, қулоғинг — ўзганики.***

**(Ҳикоя)**

— ...Одамбой ака, келинг... Эрталабки "беш минутлик"да айтилганидай: бугундан бошлаб шу икки қизга бошлиқсиз. Ҳозирча... Тез орада дугоналарининг таътили тугаса, булар ҳам кўпайишиб қолади. Танишинглар: бу Найзагул, буниси Лобар. Мана шу лойсувоқ деворни охиригача оқлашларинг керак. Нозик меҳмонлар келадиган. Эртага кечгача улгуришимиз керак.

Қўшимча топшириқлар берган директор шошилиб жўнади. Ҳали оҳаклашни бошламасларидан Найзагул кетиш учун рухсат сўради.

— Бола реанимацияда. Бормасам, бўлмайди. Унинг ёнида бўлишим керак.

— Йўқ,— деди Одамбой пича ўйланиб тургач. Унинг овозида ачиниш, ҳокимлик қилиш ўрнига ажабланиш ҳисси ҳукмрон эди. — Ҳозиргина кетди-ку, нега директорнинг ўзидан сўрамадингиз: кетайми, кетмайми, деб? Тушунарди. Уям одам.

— У одам бўлганда, ўзим билардим. Илтимос, жавоб беринг.

Қараса, Найзагул кўз ёши қиладиган, Одамбойноилож қолиб бош ирғади. Иш чала қолди: кечгача деворнинг учдан бири ҳам оқармади.

Кеч кирди. Директор келди. Унинг кўзлари қизарган, қовоғи солиқ, боши эгик эди. У Одамбой билан оқланиши керак бўлган деворни кўриб тутақиб кетди.

— Тушунмадим! Нима учун девор оқланмади, а?! А, нимага оқлатмадингиз?!

— Найзагулнинг боласи...

— Боласи?

— Ҳа. Боласи реанимацияга тушиб қолган экан. Уни кўрмасам, бўлмайди, дeганидан кейин...

— Унинг боласи бор эканми? А?

— Ҳа...

— Роса лақиллатибди-ку сизни! Ҳеч қанақа боласи йўқ, у суюқоёқнинг. Мен гўл бўлмасам, келиб-келиб сизга ишонаманми? Ўринбосармиш тағин. Шуни қоровулимга буюриб кетганимдаям ярмини тугатган бўларди. Эҳ, мен аҳмоқ... Ўзи қўлингиздан бирон иш келадими? А? Ярим йил касалман деб ётдингиз, ғинг демадим, ойлигингизни ойма-ой шақиллатиб санаб олдингиз, индамадик. Яна нима керак, инсон? Нонкўрлик қилмангда. Шундай ёнаётган пайтимда ёрдам бермасангиз, қачон ёрдамлашасиз?

Ярим соатлик ваъзхонлик, буйруқбозликдан сўнг директор:

— Эртага саҳарлаб меҳмонимизни кутиб олгани чиқишим керак. Хуллас, кечкурунгача деворимиз оппоқ бўлсин, шунда сизам оппоқсиз, менам.

Одамбой туни билан ухлолмай тўлғониб чиқди. Миясида айланаётган ўйлардан юраги санчирди.

"— Шунчалик соддаманми?! Устимдан кулиб алдаб кетишсаю сезмасам? Ҳеч кимга ишониб бўлмай қолди. Аёл ҳақ десам, эркакнинг гаплари ўринлига ўхшайди."

Одамбой қоп-қоронғу хонада ўзини кўзгуга солган кўр одамга ўхшарди. У ўзининг қандайлигини, атрофидагиларнинг кимлигини билолмай қийналарди.

"Эртадан бошқа одамга айланаман."

— Нега одамни алдадингиз?

Одамбойнинг қизлар билан эрталабки "салом-алиги" шундай бошланди.

— Нима дебман?

— Боламни кўргани бораман дегандингиз. Болангиз йўқ эканку?

— Нима? Директор шундай дегандир, ҳойнаҳой. Айтувдима одаммас у деб! Менинг болам йўқ эканми, ишонмасангиз, мана, кўринг.— У сумкачасидан оқ-қора фотосуратни олди. Унда Найзагул ногирон болачани қучоқлаб турарди.— Энди ишонгандирсиз? Ё қасам ичайми?

Найзагулнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Одамбой қаққайиб қолди.

— Майли,— деди Одамбой зўрға ўзига келиб.— Кечгача оҳаклаб тугатинглар.

— Мен яна касалхонага боришим керак.

— Э, қизиқ экансизку, эрталабдан кетадиган экансиз, нега келдингиз ишга?

— Сизга ишониб келдим. Ўзингиз тушунадиган одамсизку: эртаиндин ойлик берадиган. Пул топишнинг бошқача йўлини билмасам...

— Кечиринг-у, сизга жавоб беролмайман. Мениям тушунинг: бировнинг дод-фарёдини мана бу еримга олаверсам,— Одамбой чап кўксини кўрсатди.— Ўзимникини қаерга сиғдираман? Агар ишдан кетсам, бу дипломим билан шаҳардан бошқа иш тополмайман. Мен ҳам яшашим керак. Ўзи директор билан ўртамизда ишкал бор. Шунинг учун деворни оқлаб бўлинглару кетаверинглар.

— Акажон, ўзингиз яхши одамсизку, тушунинг, ўғлимнинг аҳволи оғир.— Найзагул ҳунграб йиғлаб юборди.— Илтимос, охирги илтимосим, мени ҳимоянгизга олиб туринг, ишдан бўшатиб юбормасин. Дўхтирлар ўғлингизни беш кунлиги борми, йўқми, билмаймиз, дейишяпти. Нега ишонмайсизла-а-ар?

Лобар Найзагулни бағрига олди. Одамбойнинг ҳам кўнгли бузилди. У Найзагул кетаверсин деган маънода Лобарга ишора қилиб қоровулхонага кириб кетди.

Лобарнинг кечгача ишлаганидан деворнинг ярмигина оқланди. Одамбой Найзагулга рухсат бериб тўғри қилдим деб ўйлаганди, лекин директор келиб унинг ишончини шубҳага айлантирди.

— Шунга ишониб ўтирибсизми? Ўғлим бор деган ўша ёлғончининг тилини суғуриб олмадингизми? Бировнинг ҳаромзодасини кўрсатгандир ўғлим деб. Бу ерда етти йилдан бери директорлик қиламан. Бунақа муттаҳам, фирибгарларнинг мингтасини синовдан ўтказганман. Менга ишонасизми, унгами? А? Менда ходимларим тўғрисидаги ҳамма маълумотлар бор: ким уйланган, нечта фарзанди бор, нечта хотини, нечта ўйнаши — ҳамма-ҳаммасини биламан. Билмадим, нима қилсангиз, қилинг, эртага туш пайтигача девор оқлансин, оқланмаса, аризангизни ёзинг, уям ёзсин. Агар шундан кейин ҳам қилолмасангиз, қилдиролмасангиз, ариза столимнинг устида бўлсин, бўлмаса, аяб ўтирмайман...

Одамбой алдагани учун Найзагулни ишдан бўшатишга қарор қилди. Эрталаб иш жойига келиб девор оқлаётган Лобарнинг ўзини кўрди.

— Найзагул ҳозиргина кетди.— деди Лобар. — Аравачада ўғилчасини опкелганди. Ширингина кулиб ўтирган болакай бирданига ҳушидан кетиб типирчилаб қолди. Югурганича яна касалхонага кетди.

"Биз ҳаммамиз шунақамиз. Бир ишни қилаётганимизда виждонни, бурчни унутамиз, қилаётган ишимиз тўғридай туюлади. Лекин виждонимиз уйғонганда, бурч, эътиқод тушунчалари эсимизга тушганда, ўзимиздан уяламиз, хатомизни тан оламиз."

Одамбойнинг ҳозирги аҳволи шундай эди. Лобарнинг гапини эшитиб Найзагулнинг кетганини тўғри деб ўйлади. Лекин кўз билан кўрмагани учун вазифасини қолаверса, директорни эслаб фикридан қайтди.

Директор кечки пайт Одамбойнинг ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини қўлига олди.

**Ўзбектош ҚИЛИЧБЕК**



# Рашк

**Анвар КОЗИМОВ,**
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
**Лолахон МАНСУРОВА,** журналист

***Инсон мавжудотлар орасида энг мукаммали ҳисобланади. Бунинг сабаби унда онг ривожланган. Табиат берган ана шу юксак инъом туфайли одам боласи бир-бири билан онгли равишда мулоқотда бўлиб, меҳнат қилади. Яратувчанлик унинг ҳаёт мазмунига айланади. Шунинг учун ҳам меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, инсофу диёнат инсонларга хос хусусиятлардан ҳисоблангани ҳолда, очкўзлик, ваҳшийлик, текинхўрлик, шаҳвоний ҳирс ва ҳоказолар табиатан онгсиз яралган жонзот - ҳайвонларга тегишлидир.***
***Азиз ўқувчи! Биз бундай қиёсни бежиз келтирмадик. Эътиборингизга ҳавола этилаётган жиноят тафсилоти билан танишар экансиз, ўзига Аллоҳ томонидан берилган олий неъмат - ақл-идрокига амал қилмай инсоний қиёфасини йўқотган одам шаклидаги кимсанинг қилмишидан воқиф бўласиз.***

**«Даштобод»дан топилган мурда**

2010 йилнинг 8 июнида Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани билан чегарадош "Куйимозор" сув ҳавзасидан унча узоқ бўлмаган "Даштобод" қишлоғи йўл ёқасидаги чуқурликдан номаълум кимсанинг мурдаси топилади. Бу ҳақда қўйларини ўтлатиб юрган чўпон ИИБ идораларига хабар берган экан. Тезкор гуруҳ ходимлари кўп ўтмай воқеа жойига етиб келишади. Воқеа жойини кўздан кечиришда жасаднинг 50-55 ёшлардаги эркак эканлиги, унинг ҳодиса жойидаги тупроққа хос бўлмаган анча миқдордаги бошқа тупроқ билан кўмилгани ҳамда чуқурлик ёқасигача орқага юриб келган машина излари аниқланади. Шунингдек, асфальт йўл ва мурда топилган жойгача бўлган майдонда қурилишда ишлатиладиган "жумин" қуми сочилиб ётар эди. Бундан ташқари, ҳодиса жойидан узунлиги 2 метрдан ошиқроқ бўлган оқиш рангли ип бўлаги топилиб, автотранспорт излари гипс қоришмасига тушириб олинади. Мурда танасида жағидаги сариқ рангли металлдан ясалган ясама тишлардан ташқари бирорбир белги аниқланмайди.

Мазкур ҳолат юзасидан Когон туман прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми аломатлари билан жиноят иши қўзғатилади. Тезкор гуруҳ таркибига вилоят ИИБнинг ходимлари ва туман прокуратураси терговчиси Ботир Ҳалимов киритилиб, Бухоро вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси Насриддин Садиров бошчилигидаги тергов-тезкор гуруҳи томонидан иш юритувига қабул қилинди.

Суд-тиббий экспертизасининг хулосасида шахси номаълум мурданинг ўлими бўйининг сиртмоқ билан қисилишидан рўй бергани, бўйин орқа соҳасидаги икки дона қонталашлар қўл бармоқларидан ҳосил бўлгани, бўйин соҳасидаги битта тўлиқ ҳалқали церкуляр ҳолатидаги кўндаланг жойлашган сиртмоқ изи воқеа жойидан олинган сиртмоқдан етказилган бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

**Қотил ким?!**

Дастлабки терговнинг биринчи куни ҳодиса жойини кўздан кечиришда аниқланган ҳолатлар ва суд-тиббий экспертнинг дастлабки хулосасига таянилади. Ҳодиса жойида аниқланган автошина излари мутахассислар иштирокида муҳокама қилиниб, улар "ЗИЛ"-130" русумли автомашинага тегишли эканлиги маълум бўлгач, яқин кунларда ҳодиса жойидан узоқ бўлмаган карьердан қум ва шағал ташиш билан шуғулланувчи автомашиналарни аниқлаш, уларнинг шиналари излларидан таққослаб текшириш учун гипс қолипга олиш ва бу автомашина эгаларининг мазкур жиноятга дахлдорлигини текшириш ҳамда ҳодиса жойи атрофида жойлашган аҳоли пунктларида суриштирув ишлари бошланади. Шу куннинг ўзида маҳаллий телевидение орқали аниқланган мурда ва унинг тахминий ёши ва кийимлари ҳақида маълумот берилиб, Бухоро ва қўшни Навоий вилояти ИИБга йўналтирувчи хатлар юборилади.

**Чигаллик**

Амалга оширилган ишлар ижобий натижа бермагач, мурда эксгумация қилинади. Унинг жағидаги сариқ металлдан ясалган тишлар криминалистика қоидаларига кўра суратга олиниб, вилоят ҳудудида фаолият олиб бораётган стоматологларга таниб олиш учун тақдим қилина бошланади. Қисқа вақт ичида жиноят иши юзасидан Когон тумани, Когон ва Бухоро шаҳарларида катта ҳажмдаги тергов-тезкор ҳаракатлари, жумладан, тупроқшунослик, трассологик, суд-биология, дактилоскопия ва қатор экспертизалар ўтказилади. 100 дан ортиқ шахс сўроқ қилиниб, вилоят ҳудудида бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги маълумотлар текширилади.

Мазкур иш юзасидан оммавий ахборот воситалари билан амалга оширилган ҳамкорлик натижасида 2010 йилнинг 20 июль куни Тошкент вилоятида яшовчи фуқаро Мирсагатова Равиля Бухоро шаҳар ИИБга ариза билан мурожаат қилади. Унда айтилишича, 1955 йилда туғилган, Бухоро шаҳар "Шафтолизор" кўчасида Равилянинг Еникеев Равил исмли акаси ёлғиз ўзи яшаб келган бўлиб, қўшнилари уни икки ҳафтадан буён кўринмаётгани ҳақида унга хабар беришибди. Шунингдек, телевидение орқали берилган маълумотда бедарак йўқолган шахснинг Еникеевникига ўхшаш сариқ метал тишлари борлиги ҳам айтилаётганлиги ҳақида билдирилади.

Жиноят иши юзасидан Р.Мирсагатова сўроқ қилинади. Унинг айтишича, акаси Равил Еникеев 1955 йилнинг 22 ноябрида Туркманистоннинг Дарған-ота шаҳрида туғилган бўлиб, Бухоро шаҳри "Шафтолизор" кўчасида ёлғиз яшар экан. Орада турмуш қуриб, 1995 йилда хотини билан ажрашибди. Шу йилнинг 19 июль куни унга акасининг қўшнилари телефон қилиб, уни икки ҳафтадан бери кўринмаётганини айтишибди.

Гувоҳ Мирсагатова марҳумнинг сариқ рангли металлдан ясалган тишлари акасиникига ўхшашлигини таъкидлаб, акаси армияда хизмат қилган йилларда қўйдирганлигини айтди. Марҳумнинг собиқ турмуш ўртоқлари — Алия Курмакаева ҳамда Зифа Шаймардановалар ҳам Еникеевнинг тишларидан таниб олишди. Мурдадан ечиб олинган кийимларни эса Самоний истироҳат боғи ишчилари ва Равилнинг қўшнилари унга тегишли эканлигини билдиришди.

Ҳар қандай жиноят ҳам, жиноятчи ҳам изсиз йўқолмайди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Терговчининг ҳаракатлари зое кетмай, ниҳоят калаванинг учи топилди. Криминалистнинг ибораси билан айтганда "ким ўлдирилгани аниқланиши ҳамоно унинг ўлими кимга кераклиги ҳам тезда маълум бўлди". Зудлик билан амалга оширилган тергов-тезкор ишлари натижасида бундан икки ҳафта илгари Еникеевнинг уйи олдида ҳаворанг "ЗИЛ-130" русумли автомашина турганы, уй эгаси унга уйи атрофидаги ахлатларни тозалаб, юклатганы, бир-икки кун ўтгач, кечки пайт узун бўйли, орикдан келган эркак киши келиб, у билан чиқиб кетганлиги, шундан кейин Еникеевни ҳеч ким кўрмаганлиги маълум бўлди. Шунингдек, ўша автомашинанинг ҳайдовчиси Мансур Алиқулов эканлиги ҳам тезда аниқланди.

— Касбим ҳайдовчилик, — дея терговчига жавоб берар экан гап бошлади М.Алиқулов. — Бир нечта корхонада енгил автомашина ҳайдовчиси бўлиб ишлаганман. 1994 йилдан 2001 йилгача Бухоро давлат университетининг биринчи сонли ётоқхонасида қоровуллик қилдим. Ўша пайтда университетда электрик бўлиб ишлайдиган Равил билан танишиб, дўстлашиб қолганман. Кейинчалик у билан бордикелди ҳам қилиб турдик. Турмуш ўртоғим Ҳафиза Асадова ҳам мен билан Еникеевникига бориб, уй ишларида ёрдамлашарди. Эр-хотин уникида ётиб қолган пайтларимиз ҳам бўлган. Хуллас, шу йилнинг феврaль ойидан ушбу машинани бошқараяпман. Мижозларга асосан Навоий вилояти "Жилвон" посёлкасидаги карьердан "жумин" қуми, шағал ташиб келиш билан шуғулланганим сабабли "Когон-Қизилтепа" йўли ва унинг атрофини яхши биламан. 2 июль куни эрталаб Равил уйимга телефон қилиб, уйида ахлат йиғилиб қолганини айтиб, чиқаришга ёрдам беришимни сўради. Равилникига самосвалда турмуш ўртоғим билан келдик. Ҳовлисидан бир машина ахлатни Равил иккаламиз юкладик. Хотиним уйининг поллари билан идиш-товоқларини ювиб, тозалашга киришди. Мен ахлатни ташлаб келиш учун кетдим. Хотиним чой тайёрлаш учун қолганди. Қайтиб келгач, овқатланиб, кечқурун уйимизга кетдик. Уйга келгач, хотинимдан: "Иккинчи марта у ерга бормайман. Равил сиз кетгандан кейин менинг кийимларимни мажбуран ечиб, номусимга тегди", — деган гапни эшитиб, жоним ҳиққилдоғимга келди. Унинг бу қилмишидан жуда хафа бўлдим. Эртаси куни соат 12:00 ларда телефонимиз жиринглаб, гўшакни ўғлим Феруз кўтарди. Қўнғироқ қилган Равил экан. Ўғлимга онасини чақиртириб, у билан сўзлаша бошлади. Шунда хотинимнинг қўлидан гўшакни олиб, Еникеев сезмаган ҳолда унинг гапларини эшита бошладим. У бўлса буни сезмай рус тилида "Кеча қандоқ бўлди, қачон келасан?" дея гап бошлади. Гўшакни қайтиб турмуш ўртоғимга берганимда у Равилни қарғаб, телефонни қўйди.

Шундан сўнг ғазабланиб, Еникеевдан қасд олиш мақсадида ўша оқшом уникига машинада келдим. Навоийдан "жумин" қуми олиб келиш керак, бирга бориб келайлик, юклашга ёрдамлашасан, деб уни уйидан олиб чиқдим. "Жилвон" карьерига боргач, машинага қум юкладик. Сўнгра Равилга: "карданнинг болтлари бўшаганга ўхшайди", деб кабинадан кийим осиш учун ишлатиладиган икки метрча келадиган арқонни олиб тушдим. Гўёки болтларини қотирган бўлиб, машина тагидан чиқдим-да, Равилни қўлимдаги ип билан бўғиб ўлдирдим. Мурдани йўл ёқасидаги траншеягача судраб келиб, пастга ташлаб юбордим. Машинадаги қумни унинг устига ағдариш ниятида уловни орқага бериб, у ётган жойга келишга ҳаракат қилдим. Лекин қаттиқ ҳаяжонланаётганим сабабли унинг устига ағдара олмадим. Жой нотекис бўлганлиги учун қумнинг бир қисми бошқа жойларга тўкилиб кетди. Шунда ҳозир унинг устига машинадаги қумни ағдара олмаслигимни тушундим. Бу тошлоқ-қумлоқ жойдан чиқиб, уйимга қайтиб келдим. Эртаси куни қумни нотаниш кишига сотдим. Жиноят изларини яшириш, мурдани кўмиб ташлаш мақсадида қоронғу тушгач, А.Жомий кўчасидаги уйлар қурилаётган жойга бориб, машинамга белкурак билан қум юкладим. Кейин Еникеевнинг мурдаси ташланган жойга келиб, унинг устига машинамдаги қумни бўшатдим. Траншея-қирғоқда қолган қумларни белкурак билан мурданинг устига ташлаб, кўринмаслигига ишонч ҳосил қилганимдан кейин ҳодиса жойидан жўнаб кетдим.

Айбланувчи Мансур Алиқулов холислар иштирокида ҳодиса жойини кўрсатиб, мурдани кўмиш учун қум олган ерни ҳам кўрсатиб берди. Алиқуловнинг кўрсатувларини жойида текшириш, унинг кўрсатувлари 2010 йилнинг 8 ва 10 июль кунлари ҳодиса жойини кўздан кечиришда, кейинчалик ўтказилган тергов ҳаракатлари оқибатида аниқланган объектив ҳолатлар, олинган ашёвий далиллар, экспертиза хулосаларига тўғри келиши, иш ҳолатига тўлиқ мослиги ҳам аниқланди.

Шунингдек, унинг кўрсатувларини гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган турмуш ўртоғи Ҳафиза Асадова ҳам тўлиқ тасдиқлади.

Вилоят ИИБ ЭКБ суд-трассологик экспертиза хулосасига жабрланувчи Равил Еникеевнинг мурдаси топилган жойда аниқланиб, ганч қоришмасига тушириб олинган автомашина ғилдираги протекторининг изи гумон қилинувчи Алиқуловга тегишли бўлган "ЗИЛ-130" русумли автомашинанинг ҳайдовчи томон биринчи орқа ғилдираги протектори билан бир хил эканлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳар "Телекоммуникациялар боғламаси" корхонасидан олинган маълумотга 2010 йилнинг июнь ва июль ойининг 1 ва 2 кунларида жабрланувчи Еникеевга ва айбланувчи Алиқуловга тегишли бўлган телефонлар орқали мунтазам равишда сўзлашувлар амалга оширилиб келингани, жорий йилнинг 2 июль куни Алиқуловнинг уй телефонидан Еникеевга қўнғироқ қилингани кўрсатилган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди ҳукми билан судланувчи Мансур Алиқулов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига биноан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Сўнгги пушаймон...**

Бугун оиласи-ю фарзандларидан айро тушиб панжара ортида ўтирган жиноятчи Мансур Алиқулов ўз қилмишидан пушаймон. Ахир, одам ўлдириш муқаддас динимизда ҳам энг оғир гуноҳ саналади. Эҳтимол, М.Алиқулов жаҳлини бир оз жиловлаб, "дўст"инning қилмиши тўғрисида қонун ҳимоячиларига мурожаат қилганида эди, адолатли қарор топиб, Равил Еникеев тегишли жазосини олган бўлармиди... Нима бўлганда ҳам энди жуда кеч.

# Оғуга қул кимсалар



***Гиёҳвандлик иллати, унинг ортидан келадиган фожиалару жиноятлар ҳақида кўп ва хўп бонг урилмоқда. Бироқ кескин чоралар билан самарали усуллар қанчалик қўлланилмасин, бу иллат илдизини таг-томири билан қирқишга, йўқ қилишга эришиш қийин кечмоқда.***

**Бахтиёр ВАҲОБОВ,**
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Шундай бўлса-да, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ана шу аср вабосига қарши курашиш борасида ҳар йили ўтказиб келинаётган тадбирлар натижасида яширин равишда таркибида наркотик моддаси мавжуд ўсимликлар, ёввойи наша ўстирилаётган ҳудудлар аниқланиб, йўқ қилинаяпти. Шунингдек, бунга қўл урган ҳамда йўл қўйган шахслар ҳам тегишли тартибда жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилмоқда. Бироқ жирканч иллатга қарши курашишда фақат шулар билангина кифояланиб бўлмайди.

Таҳлиллардан кўринадики, аксарият ҳолларда қонунбузарлар "дори"ни яширин йўллар билан мамлакатимиз ҳудудига олиб киришга уринадилар. Баъзи ҳамюртларимизнинг онгли равишдаги хатти-ҳаракатларини қандай изоҳлашга ҳайрон қоласан. Ахир, бу йўлнинг боши берклигию охири ҳам войлигини улар аллақачон англаб етишган-да!

Бундан-да даҳшатлиси, бундай кимсалар иродаси бўш, ўз келажаги ҳақида муайян фикри бўлмаган кишиларни ўз домига тортиб, гиёҳвандлик дардига мубтало қиладилар. Касалликка чалинган кимсадан эса ҳеч қачон эзгу амалларни кутиб бўлмайди.

1984 йилда Наманган шаҳрида туғилган Санжар Мансуров ҳам ана шу балога йўлиққанлардан. Ҳеч қаерда ишламай, ўзи каби юриш-туришининг тайини бўлмаган кимсалар билан ҳамтовоқ бўлиш натижасида Санжар ҳам бангига айланди. Қўлига пул тушса бўлди, таниш-билишларидан суриштириб, "дори" топади. Кейин пана-пастқам жойларда "хуморбости" қилиб олади. Бора-бора ўз уйида ҳам бангихона ташкил этиб, бу "дард"га муккасидан кетган кимсалар учун хизмат қилишга киришди.

2010 йилнинг 1 апрель куни уйида зерикиб ўтирган эди, остонада таниши Неъмат Холмирзаев кўринди.

Бу шахс муқаддам беш бора гиёҳванд моддалар чекиш ва олиб-сотиш билан боғлиқ жиноятлар содир этгани боис қамалиб чиққан, бироқ бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаганди.

— "Дори"дан борми? Йигирма беш минг сўм пулим бор, — сўради Неъмат саломлашишгач. Аксига Санжарда гиёҳвандлик моддаси қолмаганди.

— Бир танишимда ҳар доим топилади. Шошмай тур, ҳозир қўнғироқ қилиб кўрай! — Санжар шундай дея кимгадир телефон қила бошлади.

Йўқланган киши кўп таранг қилмади. Санжар билан олдиндан "олди-берди"си бор эмасми, кўп ўтмай Охунбобоев кўчасидаги "Мулла Бозор Охунд" масжиди рўпарасида учрашишларини айтди.

Санжар Б.Муҳиддиновдан 20 минг сўмга сотиб олган героинни беш бўлакка бўлди. Икки бўлагини Неъматга бериб, биттасини киссасига урди-да, қолганига имо қиларкан:

— Юр, "Гўзал"га чиқамиз. Ўша ерда бирор жой топармиз, — дея йўл бошлади.

Улар Наманагандаги "Гўзал" массивида жойлашган "Болалар шифохонаси" ҳовлисида ўтирганча, гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишди. Оғу кўп ўтмай ўз нағмасини бошлади. "Шерга айланган" оғайнилар шифохонага яқинларини йўқлаб келган фуқароларни ҳақоратлаб, бақир-чақир қилишга тушишди.

Жамиятнинг ўз қонун-қоидалари бор. Қолаверса, бу қоидаларнинг бузилмаслигини назорат қилувчилар ҳам бор. Шифохона ҳовлисида кишилар тинчлигини бузиб, тўполон бошлаган Санжар Мансуров ва Неъмат Холмирзаев ҳаддиларини билмай, тобора авжига чиқавергач, шу атрофдаги ИИБ ходимлари уларни тартибга чақиришди. Аммо танбеҳ кор қилмагач, Санжар билан Неъматнинг чўнтаклари холислар ёрдамида текшириб кўрилди ва гиёҳвандлик моддаси топилиб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди Санжар Мансуров ва Неъмат Холмирзаевларнинг қилмишини ўрганиб чиқиб, уларга нисбатан тегишли жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, гиёҳвандлик ҳам бошқа иллатлар каби чегара, миллат ва жинс танламайди. Унга йўлиқмоқ жуда осон, вабо чангалидан қутилиш эса амри маҳол. Энг яхшиси, бу балога яқин йўламаслик, нафақат ўзини, балки ўзгаларни ҳам унинг домидан асраш лозим. Ана шунда бу заҳри қотил нене азиз умрларга ўлим соясини солмайди.

# Маккоралар

Улуғбек **ТУРДИЕВ,**
Китоб туман прокуратураси терговчиси

***Агар ҳаёт манзараларига назар солсангиз, салбий оқибатларга олиб келувчи ножўя хатти-ҳаракатлар, фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш ҳам тирикчиликнинг асосий манбаига айланиб бораётганига шоҳид бўласиз. Одамлардаги соддалик, ишонч туйғуси айрим худбин, ғараз ниятли кимсаларнинг кўзларига парда қоплаб, жиноятнинг боши берк кўчалари сари етакламоқда. Китоб туманида яшовчи Гуландом Ғуломова ва Санобар Раҳмонова (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг ғайриқонуний қилмишлари ҳам фикримиз ҳақиқатлигининг исботидир.***

Масалан, Г.Ғуломованинг хатти-ҳаракатларини олиб кўрайлик. У Китоб тумани "Пахтаобод" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Бирлик" қишлоғида яшаб келиб, бир гуруҳ шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктирган. Улар компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг кўп миқдордаги мол-мулкини қўлга киритганлар. Бу устасифаранг аёл расмий ҳужжатларни тайёрлаш, қалбакилаштириш, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг муҳр ва штампларини ҳамда бланкаларини тайёрлаб сотишнинг ҳадисини олган экан.

Жумладан, у 2008 йил баҳор ойларида Китоб шаҳрида яшовчи Зулайҳо Бердиевага якка тартибда уй-жой қуриш учун С.Раҳимов маҳалласидан 0,10 гектар ер участкаси олиб беришини айтиб, уни алдайди ва 1 миллион сўм пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

У ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Китоб тумани "Пахтаобод" қишлоқ фуқаролар йиғини "Новқат" қишлоғида яшовчи С.Раҳмонова ва дастлабки тергов жараёнида аниқлаш имкони бўлмаган, номаълум шахслар билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктиради. 2009 йил декабрь ойининг бошларида Китоб шаҳрида яшовчи Г.Убайдуллаевага учрашиб, унга якка тартибда уй-жой қуриш учун Китоб шаҳри С.Раҳимов маҳалласида 0,10 гектар ер участкаси борлигини, пул керак бўлиб қолганлиги учун уни сотмоқчи эканлигини айтади.

Г.Убайдуллаеванинг розилигини олгач, унинг фарзандлари Ҳасан ва Жамшидларнинг номига 0,05 гектардан ер расмийлаштирилгани тўғрисида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда Китоб тумани ҳокимлиги ҳузуридаги якка тартибда уй-жой қурилишларини мувофиқлаштириш бўлими номидан 920 ва 921-сонли ҳужжатларни тайёрлаб, Г.Убайдуллаевага тақдим этади. Унинг жами 7 миллион 750 минг сўм пулини олиб, жиноий шериклари билан биргаликда ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади. Аслида мазкур ер участкалари Китоб туман ҳокимининг 2010 йил 20 апрелдаги қарори билан Иқлим Шарипов ва Маҳсуда Ражабоваларга 0,05 гектардан ўлчаб берилган эди.

Судланувчилар Г.Ғуломова ва С.Раҳмонова суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканликларини, бундай ҳолат бошқа такрорланмаслигини айтишди. Шунингдек, уларнинг айби иш бўйича сўроқ қилинган жабрланувчининг кўрсатмалари ва аризалари, судланувчи ва гувоҳларнинг дастлабки ва суд тергови давомида берган кўрсатмалари, ўзлари тақдим этган ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди ва жиноятчи маккораларга нисбатан вилоят суди томонидан қилмишларига яраша жазо тайинланди. Қилмиш-қидирмиш, деб шунга айтсалар керак-да!

Ҳа, аёл боши билан содда ва ишонувчи кишиларни ўз макрлари домига тортган маккораларнинг боши эгик, бугун улар бу каби жиноий хатти-ҳаракатларини бошқа такрорламасликка сўз беришмоқда. Кўпчиликни чув туширган устаси фаранг аёллар сўзида турармикин ёки йўқми?! Буни вақт кўрсатади.

# Валютафурушлар

**Муҳаммаджон РЎЗМАТОВ,**
СВОЖДЛКК Департаменти Андижон вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Бугунги кунда турмушимиз тобора фаровонлашиб бормоқда. Кимдир топган пулига тўй қилиб, элга ош берган. Яна кимдир оила эҳтиёжи учун машина сотиб олган. Аммо юртдошларимизнинг ана шундай эзгу ниятларидан ўзларининг қонунга зид хатти-ҳаракатларида фойдаланмоқчи бўлганлар ҳам учраб турибди.

Яхши ниятлар билан йиққан пулига машина сотиб олмоқчи бўлган Рислиғой Андижон шаҳрида жойлашган автосалонларнинг бирига йўл олди. У ерга бориши билан уни қўлида сумка кўтариб олган йигитлар ўраб олишди:

— Опа, машина сотиб олмоқчимисиз?

Рислиғой тортинибгина:

— Ҳа, шунақа ният билан келяпман, — деб жавоб қилди.

— Агар доллар керак бўлса, бизда топилади.

Рислиғой автосалонга кириб чиққандан сўнг АҚШ доллари олмоқчи бўлди ва унга доллар таклиф қилган йигитларнинг ёнига борди.

— Ҳа, опажон, доллар керакми?

Йигитлардан бир шундай дея унга яқинлашди.

— Керак эди.

— Қанча керак? — уни саволга тутди иккинчи долларфуруш.

— 4200.

— Опажон топилади. Бозордан ҳам арзонроқ қилиб берамиз.

— Қанчадан?

— 2140 сўмдан.

— Бўпти.

— Ҳозир оласизми?

— Ҳа, пулим ҳам тайёр.

Уларнинг савдоси охирига етмади. Бошқармамиз ходимлари томонидан ўтказилаётган тадбирда уларнинг ноқонуний савдоларига чек қўйилди. Олимжон Ўрмоновнинг ёнида 5050 АҚШ доллари борлиги аниқланиб, тадбир натижасида жами 9250 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинди.

Афсуски, бугунги кунда АҚШ долларига машина олмоқчи бўлганларнинг валюта қора бозорига бораётгани ноқонуний валюта савдоси билан шуғулланаётганларнинг ошиғини олчи қилмоқда.

Исмоилжон Мақсудов ҳам машина сотиб олишни ният қилганлардан эди. Буни қарангки, у ҳам АҚШ доллари олиш учун банкка эмас, валюта қора бозорига борди-ю, Икромжон Дадабоевга рўбарў келди.

— Ака, қанча керак бўлса, топилади, — деди Икромжон унинг ниятини билгач. — Сиз кўпроқ олар экансиз, бозор нархидан ўтиб бераман. 2125 сўмдан маъқулми?

— Маъқул.

Икромжон 3700 АҚШ долларини 7862,5 минг сўмга сотган вақтда ушланди. Тадбир давомида унда сотиш учун сақлаб юрган 710 АҚШ доллари, 2820 Россия рубли борлиги ҳам аниқланди. Тадбир натижасида жами 4410 АҚШ доллар ва 2820 Россия рубли ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишми қўзғатилиб, суд ҳукмига асосан жазо тайинланди ва ашёвий далил сифатида олинган валюта қимматликлари давлат эгалигига ўтказилди.

## «Қашқадарё ким ошди савдо» масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2010 йилнинг 28 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб Яккабоғ туман Эдилбек қишлоғида жойлашган Яккабоғ қурилиш-саноат касб-ҳунар коллежининг мажлислар залида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги ер майдонлари қўйилади:

1. Яккабоғ туман "Мевазор" маҳалла фуқаролар йиғини "Мевазор" қишлоғи ҳудудидан мерос қилиб қолдириш шарти билан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ҳар бири 600 кв.м дан иборат жами 63 та ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 300 000 сўмдан.

2. Яккабоғ туман "Уламжи" маҳалла фуқаролар йиғини "Шулликқирғиз" қишлоғи ҳудудидан мерос қилиб қолдириш шарти билан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ҳар бири 600 кв.м дан иборат жами 50 та ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 200000 сўмдан.

Очиқ аукцион савдосига қатнашиш учун аризалар 10 декабрдан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача Яккабоғ туман Эдилбек қишлоғида жойлашган Яккабоғ қурилиш-саноат касб-ҳунар коллежи биносида қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдодан 3 (уч) кун олдин (2010 йил 24 декабрь куни соат 18:00 да) тўхтатилади. Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йил 7, 14 ва 21 январь кунлари соат 11:00 дан бошлаб Қарши шаҳар вилоят Давлат мулки бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида келишув"га асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдорида закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона низоми ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: "Қашқадарё ким ошди савдо" МЧЖ, АТИБ "Ипотека банк" Қашқадарё вилоят филиали, МФО 00190, ҳисоб рақами 20208000504396266001, СТИР 205560394.

Савдо ғолиби савдо кунидан бошлаб 20(йигирма) кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаши, Яккабоғ туман якка тартибда уй-жой қурилишларини мувофиқлаштириш бўлими ҳисоб рақамига сотиб олинган ер майдонини расмийлаштириш харажатлари учун 115 897 сўм ва Яккабоғ туман маҳаллий бюджетига энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида давлат божи тўловини амалга ошириши шарт.

Манзил: Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси 3-уй.

Телефон: 221-05-88. **Гувоҳнома № 1665**

## ДИҚҚАТ!

## Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар!

## «Пойтахт Аукцион» Давлат Унитар Корхонаси Сизни тугатилган «Ўзбектўқимамаш» ИЧБнинг 2-сонли механика биноси, жанубий ҳудуддаги бино ва иншоотлар, темир йўл участкаси, магазин-омборхона ва кислород алмашиниш пунктини сотиш бўйича ўтказиладиган танлов савдоларига таклиф қилади!

Объект жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 53Б-уй

(Тошкент шаҳрининг иккита магистрал кўчалари У.Носир ва Бобур кўчалари кесишувида)

Объект тўғрисида маълумот: фойдаланиш ҳуқуқи берилган ер участкасининг умумий майдони - 24 995кв.м, бино ва иншоотлар умумий майдони - 56 667 кв.м. Текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш учун барча турдаги муҳандислик тармоқлари мавжуд.

Объектнинг бошланғич нархи: 16 780 868,7 минг сўм

Корхонанинг инвестиция талаблари миқдори: 40 250 млн.сўм ёки 25 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаслиги зарур

Фаолият тури: Текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган сармоядорлар ўрнатилган тартиба тўлдирилган танлов савдосида қатнашиш буюртмасини тақдим қиладилар ва объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган 2 518 млн, сўм миқдоридаги закалат тўғрисида шартнома тузадилар, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари закалат тўловини эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари) ёки миллий валютада (сўм) амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширадилар.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари "Пойтахт Аукцион" давлат унитар корхонасига тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин.

Танлов ҳужжатларининг нархи 200 000 сўм. Ушбу тўлов қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим:

АТИБ "Ипотека-банк" Шайхонтоҳур филиали
- ҳисоб рақами 20210000004243151002
Банк коди ФА 00425, СТИР 204399967,
Олувчи "POYTAXT AUKSION"ДУК

Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2010 йил 29 декабрда Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади (таклифлар тушмаган тақдирда танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2011 йилнинг 12 январь, 26 январь. 9 февраль кунлари соат 18:00га қадар узайтирилади).

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2010 йил 30 декабрда Тошкент вақти билан соат 12:00да Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар Бошқармаси мажлислар залида (4-қават) амалга оширилади. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16А-уй.

"Пойтахт Аукцион" давлат унитар корхонаси

Алоқа телефонлари +998 (71) 233-23-49, +998 (71) 233-35-08, электрон почта: P-A_DUK@mail.ru




## «DILING SAVDO» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Қорамурт кўчаси, 1-уйда жойлашган "TOSHVILOYATLISEYKOLLEJSERVIS" балансидаги авария ҳолатидаги 2009 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 708 ЕАА бўлган Нексия русумли автотранспорт қўйилади. Бошланғич нархи- 4 200 000 сўм. Закалат - 840 000 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йил 28 декабрь куни соат 15:00да бошланади. Сотилмаган объектлар 2011 йилнинг ҳар сешанба кунлари ўтказиладиган савдоларга сотилгунга қадар қўйилади.

Савдога қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситалари бошланғич нархининг юқорида кўрсатилган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Diling savdo"нинг АИКБ "Ипак йўли" даги MFO 00444, СТИР 301623196, 20208000904852353001 сонли ҳисоб рақамига закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан тўлайдилар.

Аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, шартнома тузилгунга қадар тўланган закалат миқдори, сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоиздан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани М-14, 19-уй.

Телефон/факс: 244-88-04. Электрон почта: auksion@bk.ru

**Гувоҳнома: № 001568-09**

## «Aktiv Broker» ДК биржа савдоларига таклиф этади!

**2010 йил 27 декабрда "Республика кўчмас мулк биржаси" АЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, обьектлари (улуш, мол мулклари) рўйхати**

| № | Мулкнинг номи | Баланс сақловчининг номи ва манзили | Манзил | Давлат активининг қисқача тавсифи | Мулкнинг бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "Гулистон туман МТП" ОАЖга қарашли "Сауна" биноси (Асосий шарти: Фаолият турини сақлаш) | "Гулистон туман МТП "ОАЖ | Сирдарё вилояти Гулистон туман Деҳқонобод шаҳарчаси Туркистон кўчаси 66-уй. | Бино 1982 йилда ишга туширилган, бино ва иншоотлар майдони 217,74 кв.м.,фундаменти бетон, деворлари пишган ғиштдан, эшиқ ва ромлари ёғочли, пол қисми бетондан, томи шиферланган. | 47 564 418 |
| 2 | "17-автобус саройи" МЧЖнинг 11,53 % фоиз давлат улуши | 17-автобус саройи" МЧЖ Наманган шаҳри 6-кичик туман, Кукимбой шоҳ кўчаси. | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 6-кичик туман, Кукимбой шох кўчаси. | Жамият 1969 йилда ишга туширилган, бино ва иншоотлар майдони 6393,77 кв.м., Жамиятнинг 1 та маъмурий биноси, материал сақлаш омборхонаси, АЁҚШ биноси ҳамда ишлаб чиқариш корпуслари мавжуд. Бундан ташқари, жамият 28 турдаги автотранспорт воситалари (ДЭУ ВУ-113, Икарус 250-93, Лаз-695Н, Газ-53, Нексия ГЛ СОНС, Ласетти СДХ) ва бошка мол-мулклар ва товар моддий бойликларидан иборат. | 300 284 446 |
| 3 | Янгиарик тумани 17-сонли болалар боғчаси (Асосий шарти: Фаолият турини сақлаш) | Янгиқўрғон тумани молия бўлими. Янгиқўрғон шаҳарчаси, Мустақиллик майдони. | Наманган вилояти, Янгиқўрғон туман, Зарбдор ҚФЙ, Тинчлик МФЙ. | Бино 1974 йилда ишга туширилган,.бино ва иншоотлар майдони 648,91 кв.м., боғча ошхона, бостирма ва ёрдамчи бинолардан иборат. | 67 900 660 |
| 4 | Мингбулоқ тумани 25-сонли болалар боғчаси (Асосий шарти: Фаолият турини сақлаш) | Мингбулок тумани молия бўлими. Мингбулоқ тумани, Жомашуй шаҳарчаси, Озодлик кўчаси 83-уй. | Наманган вилояти Мингбулоқ туман Меҳнатобод ҚФЙ. Яккатол МФЙ. | Бино 1984 йилда ишга туширилган, бино ва иншоотлар майдони 329,8 кв.м., боғча омборхона, бостирма биноларидан иборат. | 22 078 765 |

**2010 йил 27 декабрда "Тошкент" Республика фонд биржаси савдоларига чиқарилаётган акциядорлик жамияти рўйхати**

| № | Эмитент номи | Устав фондидаги улуши (фоиз) | Савдога чиқарилаётган акциялар сони (дона) | Номинал қиймати (сўм) | Акция пакетининг бошланғич таклиф нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "NORINTEKS" ОАЖнинг 13,96% фоиз давлат акция пакети | 13,96% | 3905 | 22870 | 840 879 023 |

**Қўшимча маълумотлар ва саволлар учун "Aktiv Broker" ДК мурожаат қилишингиз мумкин. Тел.: 233-27-19, 233-38-69, Email: aktiv_broker@mail.ru, www.gki.uz, gkitorg.uz Манзил: Тошкент шаҳри Бухоро кўчаси 10-уй; ДМҚ Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси тел: 8(367) 26-53-15,26-53-12. ДМҚ Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси тел: 8(369) 226-44-39, 226-13-17.**

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Фарғона вилояти филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади!

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкини бошқариш давлат қўмитасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2010 йил 18 ноябрдаги 10/732-сонли алоқа хатига асосан 2010 йил 27 декабрь куни соат 10:00 дан бошлаб бошланғич баҳосининг ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Фарғона шаҳри, Герцен кўчаси, 2-уйда жойлашган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ДАЖнинг "Фарғона механика заводи" шўъба корхонасига қарашли "Корпус 3/2" бино-иншоотлари ва унга бириктирлган ер майдонлари такроран қўйилади. Бошланғич баҳоси - 7 118 951 000 сўм.

Объект 1976 - 1989 йиллар давомида қурилган. Умумий майдони 1466784 $м^2$. Қуйидаги бино ва иншоотлардан иборат: корпус 3/2, маъмурий-хўжалик биноси, 3/1 биноси, насос биноси, темир бетон резервуар, асфальт ва бетон майдони.

Аукцион савдоси Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, 1-қават, 48-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар закалат келишуви тузилганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Фарғона вилояти филиалининг ОАТ "Турон" банк Фарғона бўлими МФО: 00498 ИНН: 206761326, 20210000704537599019 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Аризалар қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 соат олдин тўхтатилади. Ушбу савдо кунида сотилмай қолган объектнинг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 11, 18, 25 январь кунлари соат 10:00 да ўтказилади.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 150100, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй 1-қават, 48-50-хоналар Тел/факс: (8 373) 229-70-20, 332-00-03, 700-73-74, 483-00-00

E-mail:info@mulk.uz

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Жиззах вилоят филиали очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Божхона идоралари тасарруфидаги бино ва иншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 34-сонли Қарорига асосан қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидаги очиқ танлов савдосига Жиззах вилояти божхона бошқармасига қарашли Бахмал тумани, Бахмал ҚФЙ, Кўкжар қишлоғида жойлашган "Жаннат" дам олиш оромгоҳи қўйилади. Ер участкасининг умумий ер майдони 2,60 га, бино ва иншоотлар қурилиш ости ер майдони 753,69 $м^2$.

Танлов шартлари: сотиб олиш бўйича энг юқори баҳони таклиф этиш, 20 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш; фаолият турини доимий сақлаб қолиш мажбуриятини олиш, янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш, сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич баҳоси - 251 429 147 сўм.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2010 йил 27 декабрь куни соат 15:00дан бошлаб Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй кичик мажлислар залида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказилишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Танлов ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин. Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридаги закалат пули ва танлов ҳужжатлари учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдоридаги тўловни қуйида кўрсатилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов савдосида қатнашишни истаган талабгорлар ўз сармоявий таклиф ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт; Танлов қатнашчисининг талабномаси, таъсис ҳужжатлари нусхалари(устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хорижлик сармоядорлар ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда), талабгорга хизмат кўрсатувчи банкининг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси, танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда 2 нусхада конвертда маҳкамланиб, муҳрланиб тақдим этилиши лозим, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг реквизитлари, жисмоний шахсдан паспорт нусхаси, ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда. Ҳужжатлар шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ушбу кунда танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2011 йил 12, 27 январь, 11 февраль кунлари соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади.

II. 2010 йил 27 декабрь куни соат 10:00да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдосига Жиззах шаҳри, "Қипчоқ" маҳалласи ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун юзаси 400 $м^2$ иборат 3-сонли ер майдони қўйилади, бошланғич баҳоси 2400000 сўм.

Ушбу куни сотилмай қолган ер майдони 2011 йил 12, 27 январь, 11 февраль кунлари соат 10:00дан бошлаб очиқ аукцион савдосига такроран қўйилади.

III. 2010 йил 28 декабрь куни соат 10:00да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдосига қуйидаги якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдонлари қўйилади.

Бахмал тумани, "Оқтош" ҚФЙ, "Тараққиёт" массиви ҳудудидан сатҳи 600 $м^2$ иборат 5 дона ер майдони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 20700 сўм.

Зарбдор тумани, "Лалмикор" ҚФЙ ҳудудидан сатҳи 400 $м^2$ иборат 7 дона ер майдони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 91200 сўм.

Ушбу куни сотилмай қолган ер майдонларининг такрорий савдоси 2011 йил ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 10:00да бўлиб ўтади. Талабгорлардан (жисмоний шахслардан) ер майдонлари бўйича аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиш вақтидан уч кун олдин соат 10:00да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этишни истаган шахслар ер майдони бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйида кўрсатилган "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Жиззах вилояти филиалининг ҳисоб рақамига тўлашлари шарт ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Жиззах вилоят филиалининг ДАТ "Асака банк" Жиззах филиалидаги ҳисоб рақами: 20210000004537599012, МФО 00140, СТИР 206761326.

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй Тел/факс (8362)771-62-22 Email: info@mulk.uz

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Сурхондарё вилоят филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2010 йил 27 декабрь соат 11:00 да Бандихон туман ҳокимлиги биноси мажлислар залида бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бандихон тумани ҳудудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар ҳисобидан сатҳи 1000 кв.метрдан иборат, яъни якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв. метр ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун 600 кв.метр иборат қуйидаги ер майдонлари қўйилади.

"Бандихон" ҚФЙ собиқ "Ойбек" хўжалигининг бузилган подахона ҳудудидан 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12-сонли ер майдонлари.

"Бандихон" ҚФЙ собиқ "Ойбек" хўжалигининг бузилган ёқилғи қуйиш шохобчаси биносининг ён қисмидан 13, 14-сонли ер майдонлари.

"Бандихон" ҚФЙ, "Бектепа" маҳалласи ҳудудидан 15, 16, 17, 18-сонли ер майдонлари.

"Қизириқ" ҚФЙ, "Бўстон" маҳалласи ҳудудидан 19, 20, 21, 22, 23-сонли ер майдонлари.

Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 50 000 сўм.

Ушбу кунда сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдоси 2010 йил 31 декабрь соат 11:00да Бандихон туман ҳокимлиги бино мажлислар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 3 кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Сурхондарё вилоят филиалининг ОАТБ "Капиталбанк" Термиз шаҳар филиали МФО:01032, СТИР:206761326, 20210000904537599017 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: 190111, Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 1-хона. Телефон/факс (8-376) 770-84-01.

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Самарқанд вилоят филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

1. 2010 йил 30 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади.

Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида жойлашган "Сувсаноат махсус қурилиш 11 МКК" масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 22 806 175 сўм.

Самарқанд вилояти, Иштихон туманида жойлашган "Кафолат" масъулияти чекланган жамиятининг 32 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 40 120 768 сўм.

Самарқанд вилояти, Ургут туманида жойлашган "Ургут туман коммунал фойдаланиш бошқармаси" МЧЖнинг 98 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси-54 700 300 сўм.

Самарқанд вилояти, Тайлоқ туманида жойлашган "Тайлоқ туман коммунал фойдаланиш бошқармаси" МЧЖнинг 99 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси- 5 415 600 сўм.

Аукцион савдоси Самарқанд шаҳри, Бўстон сарой кўчаси, 85А-уй (ДМҚ вилоят ҳудудий бошқармаси биноси) 5-қават, 511-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари бўйича талабгорлардан аризаларни "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Самарқанд вилоят филиалида қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 3 соат олдин, соат 9:00 да тўхтатилади. Ушбу куни сотилмай қолган объектларнинг такрорий аукцион савдолари 2011 йил 6, 20 январь, 3, 17 февраль, 3, 17, 31 март кунлари соат 11:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

2. 2010 йил 28 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Пастдарғом тумани, "Димишкибола" ҚФЙ, "Миянков" қишлоғи ҳудудидан якка тартибдаги уй-жой қуриш учун сатҳи 600 кв.м. иборат 10, 16-сонли ер майдонлари қўйилади, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 94 447 сўм.

Ушбу куни сотилмай қолган ер майдонлари 2011 йил 11, 25 январь, 8, 22 февраль кунлари соат 11:00 дан бошлаб такрорий аукцион савдоларига қўйилади.

3. 2010 йил 29 декабрь куни соат 15:00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Пастдарғом тумани, М.Улуғбек кўчаси, 1-уйда жойлашган "ULUG`BEK PAXTA TRANS" МЧЖга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

1988 йилда и/ч техник носоз "КАМАЗ-54112", д/р 30 856 ААА, бошланғич баҳоси 1 600 000 сўм.

1989 йилда и/ч техник носоз "ОДАЗ-9370", д/р 30 0008 АА, бошланғич баҳоси 1 450 000 сўм.

2000 йилда и/ч техник носоз "Дамас", д/р 30 859 ААА, бошланғич баҳоси 1 300 000 сўм.

1990 йилда и/ч техник носоз "КАМАЗ-55102", д/р 30 994 ААА , бошланғич баҳоси 1 100 000 сўм.

1990 йилда и/ч техник носоз "КАМАЗ-5320", д/р 30 564 ААА, бошланғич баҳоси 1 100 000 сўм.

1996 йилда и/ч техник носоз "Дамас", д/р 14 AI 638, бошланғич баҳоси 1 100 000 сўм.

Ушбу куни сотилмай қолган автотранспорт воситалари 2011 йил 5, 12, 19, 26 январь кунлари соат 15:00 дан бошлаб такрорий аукцион савдоларига қўйилади.

Аукцион савдолари Самарқанд шаҳри, Бўстон сарой кўчаси, 85А-уй (ДМҚ вилоят ҳудудий бошқармаси биноси) 5-қават, 511-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари бўйича талабгорлардан аризаларни "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Самарқанд вилоят филиалида қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан транспорт воситалари учун 3 соат олдин, ер майдонлари учун (жисмоний шахслардан) 3 кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар закалат келишуви тузилганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдорида закалат пулини "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Самарқанд вилоят филиалининг ДАТ "Асака" банк Самарқанд филиалидаги МФО 00264, ИНН 206761326, 20210000104537599010 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 140100, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85А- уй, 2-қават, 205-203-хона. Тел/факс: (8366) 210-04-01, 230-14-51 E-mail:info@mulk.uz

**Билдириш:** "Ниқуқ" газетасининг 2010 йил 14 январдаги 2 (679)-сонида "Respublika Mulk - Auksioni" ДК Андижон вилоят филиали чоп этилган эълонларга кўра "Танлов" савдоларига қўйилган "Қорасув пайпоқ" тўқиш фабрикаси и/ч кооперативи балансидаги "Ётоқхона" биноси, Норин-Қорадарё ирригация тизимлари бошқармаси балансидаги "Пойтуғ кичик ГЭС" бино ва иншоотлари, шунингдек, "Аукцион" савдосиги қўйилган Жалақудуқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли "41-сонли мактабгача таълим муассасаси"га шу кунга қадар талабгорлар томонидан қизиқишлар билдирилмаганлиги сабабли Танлов ва Аукцион савдосидан олинганлигини билдирамиз.

# Самимий инсон



***Меҳнаткаш ва бурчига садоқатли инсонлардан бири прокуратура фахрийси Тугал Ражабов табаррук 70 ёшни қаршиламоқда.***

Тугал ака меҳнат фаолияти давомида Самарқанд вилоят туман ва шаҳар прокуратураларида терговчи, прокурор ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, бўлим бошлиғи, Оқдарё, Каттақўрғон, Сиёб, Булунғур туман прокурорлари ҳамда Самарқанд транспорт прокурори, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари ва вилоят прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Тугал Ражабов 30 йилдан ортиқ умрини Самарқанд вилоятида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоачилик эътиборига сазовор бўлди. Меҳнат фаолияти давомида меҳнатсеварлиги, самимийлиги, фидойилиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

Тугал ака айни пайтда Ўзбекистон прокуратура органлари Фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази Самарқанд вилояти бўйича ҳудудий бўлими раиси лавозимида фаолият кўрсатиб, умрини халқ учун бахшида этган нуронийларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида иш олиб бормоқда.

Тугал аканинг кўп йиллик меҳнатлари ҳукуматимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, "3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси" унвони, "Меҳнат фахрийси" медали ҳамда "Прокуратура фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳурматли Тугал Ражабович, қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик, файзу барака тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**

# «HUQUQ»

***газетаси таҳририяти тажрибали журналистларни Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари бўйича мухбирлик лавозимига ишга таклиф қилади.***

Талабгорлар қуйидаги маълумотлар кўрсатилган резюмеларини **huquq.uz@gmail.com** электрон манзилига юборишлари мумкин.

1. Ф.И.Ш.;
2. Манзили;
3. Фотосурати;
4. Маълумоти (ўқув муассаса номи);
5. Иш стажи (фаолият даври, ташкилот номи);
6. Охирги чоп этилган материаллари (қачон ва қайси нашрда);
7. Компьютерни билиш даражаси;
8. Телефон рақами;
9. Қизиқишлари.

Шунингдек, саҳифаловчи дизайнерларни ишга таклиф қилади.

***Резюмелари мос келмаганларга жавоб қайтарилмайди.***

## *Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти жамоаси ҳамда Департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси навбатчи қисм катта инспектори

**Валишер ОБИДОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти жамоаси ҳамда Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

**Клара ТОЖИДДИНОВА**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради

# «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Қашқадарё вилояти филиали очиқ танлов ва аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш тартибидаги очиқ танлов савдосига Қашқадарё вилояти, Касби тумани, Фазли қишлоғи ҳудудидан ўтувчи 4р90 "Қарши-Касби-Помук" автомагистрал йўли ёқасидан "Автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси" қуриш учун 0,08 га. иборат ер майдони қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 800 000 сўм.

Танлов савдоси асосий шартлари: 80 000 000 сўм миқдорида қўшимча инвестиция киритиш, сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2010 йил 29 декабрь куни соат 15:00 да Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 3-уйда бўлиб ўтади.

Танлов савдосида қатнашиш учун ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00дан 18:00 гача Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 3-уй, 7-қават, Қашқадарё вилояти давлат мулки бошқармаси биносида қабул қилинади.

Ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган вақтдан 3 (уч) соат олдин (29 декабрь соат 12:00 да) тўхтатилади.

ТАНЛОВ савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 иш куни ичида сотувчи билан давлат активини олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлар закалат келишуви тузилганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдорида закалат пулини "Respublika Mulk - Auksioni" ДК Қашқадарё вилояти филиалининг қуйида берилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ушбу кунда танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2011 йил 12, 26 январь соат 15:00 да бўлиб ўтади. Танлов савдоси ҳужжатлари рўйхати қуйида кўрсатилган.

2. 2010 йил 29 декабрь куни соат 10:00да Қарши шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси 3-уйда (Вилоят давлат мулки бошқармаси биноси мажлислар зали) ўтказиладиган, бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги очиқ аукцион савдоларига Давлат мулки қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг тегишли буйруқларига асосан қуйидаги якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ер майдонлари қўйилмоқда:

Қарши шаҳар, "Кат" ҚФЙ, "Ёшлик" турар жой массиви, 6-кварталдан 17-сонли ер майдони, бошланғич баҳоси 66400 сўм;

Қарши шаҳар, "Кат" ҚФЙ, "Ёшлик" турар жой массиви, 5-кварталдан 35-сонли, 7-кварталдан 36, 51-сонли, 1А-проезддан 19, 21, 23, 25, 27, 29-сонли ер майдонлари, ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 100 000 сўм;

Қарши шаҳар, "Кат" ҚФЙ, "Ёшлик" турар жой массиви, 2-кварталдан 3-сонли, 3-кварталдан 24 ва 26-сонли, 4-кварталдан 19-сонли, 6-кварталдан 23-сонли, 7-кварталдан 27-сонли ер майдонлари, ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 200 000 сўм;

Қарши шаҳар, "Кат" ҚФЙ, "Ёшлик" турар жой массиви, 4-кварталдан 22-сонли ер майдони, бошланғич баҳоси 600 000 сўм;

Қарши тумани, "Хонобод" ҚФЙ, "Хонобод" қишлоғи ҳудудидан 31, 33, 35, 86, 98, 103, 105, 108-сонли, "Ертепа" ҚФЙ, "Шойхужа" қишлоғи ҳудудидан 12, 36-сонли ер майдонлари, ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 400 000 сўм;

Касби тумани, "Ғалаба" ҚФЙ, "Тошқўрғон" қишлоғи ҳудудидан 16, 29-сонли ер майдонлари, ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 200 000 сўм;

Косон тумани, "Пахтазор" МФЙ ҳудудидан 1, 68-сонли ер майдонлари, ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 300 000 сўм;

Яккабоғ тумани, "Сандал" ҚФЙ, "Қорасув" қишлоғи ҳудудидан 8, 24-сонли, "Янгиқўрғон" қишлоғи ҳудудидан 4, 9, 13, 16, 21, 23, 28, 31-сонли, "Фурқат" МФЙ, "Тўрткўлтепа" мавзе ҳудудидан 1, 2, 3, 8, 9, 11-сонли ер майдонлари, ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 150 000 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 3-уй, Вилоят давлат мулки бошқармаси биноси, 7-қаватда соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда берилган ишончнома, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжатини тақдим қилиш лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "закалат" пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 кун олдин (2010 йил 24 декабрь) соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 иш куни ичида сотувчи билан давлат активини олди-сотди шартномасини тузади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин, ер майдонининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk - Auksioni" давлат корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг Қарши шаҳар "Микрокредит банк" МФО 01152, 20210000104537599018 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

Ушбу савдода сотилмай қолган ер майдонлари бўйича такрорий аукцион савдолари 2011 йил 12, 26 январь, 11, 26 февраль, 11, 29 март кунлари соат 10:00 да ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатлари олиш манзили: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси 3-уй. ВДМБ биноси, 7-қават. Телефон: 221-20-27. Факс: 771-00-10

**E-mail:info@mulk.uz**

# Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид ва жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | Код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | Код: 8371 | 273-74-81 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | Код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**

**Huquq** yuridik gazeta

**Muassis:** O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir:** *Jahongir MAKSUMOV*

**Tahrir hay'ati:** Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV (*Bosh muharrir o'rinbosari*), Shavkat YODGOROV (*mas'ul kotib*)

**Tahririyat manzili:** Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
— tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009 yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-516. 22 464 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: S.BOBOJONOV
Navbatchi muharrir: O`.DEHQONOV
Navbatchi : O`.DEHQONOV

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9